*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*

O'zLiDeP — TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI - O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

2011 йил 28 апрель, пайшанба
17 (389)-сон,
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com



ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШ ВАЗИФАСИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲАЛ ЭТИШ, КЎП ЖИҲАТДАН, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИГА БОҒЛИҚДИР

03 КОНЦЕПЦИЯ



2010 ЙИЛДА ҚАРИЙБ 9,5 МИНГДАН ОРТИҚ МУЛКЛАР 199,1 МИЛЛИАРД СЎМГА СОТИЛИБ, 2 МИЛЛИАРД 454 МИЛЛИОН СЎМЛИК 2589 ТА ДАВЛАТ МУЛКИ ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИК ШАКЛИГА ЎТКАЗИЛДИ

06 ИСЛОҲОТ



XXI АСРДА ЯНГИ ШАКЛ ВА ҚИЁФА КАСБ ЭТАЁТГАН ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ ИНСОНИЯТГА ТАҲДИД СОЛИБ, ДУНЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ВА ДАВЛАТЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯНИНГ АШАДДИЙ ДУШМАНИГА АЙЛАНДИ

07 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

# Ўзбек модели



## ДУНЁ ЖАМОАТЧИЛИГИ ТОМОНИДАН МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЕТАКЧИ ДАВЛАТИ — ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚАРИЙБ 20 ЙИЛЛИК ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ ТАҲЛИЛ ЭТИЛИБ, «ЎЗБЕК МОДЕЛИ» МАМЛАКАТДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШНИНГ АСОСИ БЎЛГАНИ АЛОҲИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА

Буни Тошкентда 22-23 апрель кунлари Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»ни ўрганиш ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш бўйича чуқур ва изчил ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш борасида Ўзбекистон тажрибаси ҳамда мамлакатни ривожлантиришнинг янги босқичига оид вазифаларни ўрганишга бағишланган халқаро илмий-амалий конференцияда тилга олинган фикр-мулоҳазалар ва хулосалар ҳам яққол кўрсатди.

Дунёнинг энг нуфузли халқаро ташкилотлари вакиллари иштирок этган анжуманда замонавий демократик ривожланишнинг энг муҳим масалалари, хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, сайлов тизимини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада ривожлантириш билан бирга бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни эркинлаштириш тамойиллари атрофлича муҳокама қилинди.

3 ►►

## Янги авлод фестивали

**Истиқлолимизнинг йигирма йиллигини нишонлашга катта тайёргарлик кўрилаётган айни кунларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» шиори остида республика ёшлар фестивалига старт берилди.**

Анжуманни ташкил этишдан асосий мақсад — мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни ёшларга ҳаётий мисоллар, халқаро миқёсдаги юксак эътирофлар орқали тушунтириш, давлатимиз томонидан навқирон авлодга яратиб берилаётган шарт-шароит, имкониятларни тарғиб этиш, юртимиз иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маданий тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган иқтидорли ёшларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашдир. Фестиваль доирасида ёшлар ўртасида ёт ғояларга қарши «Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти» тарғибот лойиҳаси, «Депутатлар ва ёшлар» мавзуидаги давра суҳбатлари, чекка ҳудудлардаги ёшлар ҳаёти билан таништирувчи «Ёруғ манзиллар» кўчма медиа лойиҳаси, таниқли спорт усталари билан биргаликда ўтказиладиган «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» шиори остидаги спорт мусобақалари, «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» лойиҳалари ҳам амалга оширилади. Фестивалга келган йигит-қизлар туман, шаҳар ва вилоят марказларида мустақиллик йилларида барпо этилган иншоотлар, тарихий жойлар ва қутлуғ қадамжолар билан ҳам танишадилар.

*БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!*

# *Юксак эътибор ва ғамхўрлик ифодаси*

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ФЕРМЕРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИДА БИЛДИРИЛГАН ИСТАКЛАР, ҚИШЛОҚ АҲЛИГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ БУГУН МАМЛАКАТИМИЗ ҚИШЛОҚЛАРИДА ЕТАКЧИ КУЧГА АЙЛАНГАН МУЛКДОРЛАР КЎНГЛИНИ ТОҒДЕК КЎТАРИБ, УЛАРНИ ЯНГИ МАРРАЛАРГА САФАРБАР ЭТМОҚДА

**Исахон Баҳрамов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Сенатор, Ангор туманидаги "Саидносирхон" фермер хўжалиги раҳбари:**

— Юртбошимиз ҳар гал вилоятимизда бўлганларида, албатта биз фермерлар билан учрашадилар. Буни мен қишлоқ аҳлига, қишлоқ мулкдорларига бўлган ҳурмат ва ғамхўрлик, деб биламан. Ва, айни пайтда бу фермерларга жуда катта ишонч билдирилаётганини ҳам англатади. Истиқлолимизнинг 20 йиллигига тайёргарлик кўрилаётган бугунги кунларимизда энг чекка ҳудудлар аҳолисининг турмуш тарзи ва ҳаётий масалалари билан қизиқишлари Президентимизнинг том маънодаги халқ Президенти эканликларини кўрсатади. Бу сафар ҳам Юртбошимиз, энг аввало, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, сув тақчиллиги кутилаётган йилда синовдан ўтган илғор усулларни қўллаб, омилкорлик билан иш юритиш, бунинг учун экин майдонлари намлигини сақлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидладилар. Фермерлар ва қишлоқ аҳолисига яна қандай қўшимча шароитлар яратиш лозимлиги билан қизиқдилар.

Учрашувда таъкидланганидек, деҳқончилик учун аслида осон йил ёки қулай мавсум бўлмайди. Масалан, ўтган йили ғўза парваришида ерларнинг намини қочириш агротехникасидан фойдаланган бўлсак, бу йил намни сақлаб туриш чораларини кўраяпмиз. Шунинг учун об-ҳаво илиқ келганидан фойдаланиб, эрта кўчат олдик. Бу усул Сурхондарё шароитида намликни сақлаб туриш имконини беради. Шарбат усулида суғориш ҳам ана шундай хусусиятга эга. Минерал ўғитдан унумли фойдаланётганимиз сабабли 107,6 гектар майдонда етиштирилаётган "Крошка" навли ғалламиз бошоқлади. 103 гектар ердаги "Бешқаҳрамон" навли ғўза ниҳолларимиз эса бир текис ундирилиб, биринчи культивациядан чиқарилди. Шу кунларда иккинчи культивацияга тайёргарлик кўриб, қатор ораларини бегона ўтлардан тозалаяпмиз. Хўжалигимиз экин майдонларида кутилган даражада ҳосил олиш учун ғўзани камида беш марта суғориш лозим. Намликни сақлаш мақсадида амалга ошираётган агротехник тадбирларимиз туфайли уч марта сув тараб, ҳар гектардан ўртача 40 центнердан ҳосил олишни режалаштираяпмиз. Ғалла ҳосилдорлигини эса 55,1 центнерга етказиш ниятидамиз. Бунинг учун бизга барча шароитлар яратиб берилаяпти.

# Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — тараққиёт кафолати

## O`ZLIDEP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ДАВЛАТ БОЖХОНА ВА СОЛИҚ ҚЎМИТАЛАРИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК — ЖАМИЯТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИ КАФОЛАТИ» МАВЗУИДАГИ ЎҚУВ-СЕМИНАР ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ»ДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНДИ



O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, банк-молия, солиқ ва божхона ташкилотлари вакиллари, тадбиркор ҳамда фермерлар иштирок этган тадбирда асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий мулкчилик субъектлари фаолиятини тартибга солувчи қонунларни таҳлил қилиш, уларни янада такомиллаштириш бўйича зарур тавсияларни ишлаб чиқиш, шунингдек, Концепцияда ўртага қўйилган дастурий масалалар юзасидан аниқ вазифаларни белгилаб олишга қаратилди.

Ўқув-семинарда таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳар қачонгидан катта эътибор қаратилмоқда. Бунда, айниқса, соҳага оид қонунларнинг такомиллаштирилаётгани ўрта қатлам фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2 ►►

# Иқтисодий барқарорлик мукаммал бюджетдан бошланади

## ЮРТБОШИМИЗНИНГ «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ»ДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИМИЗНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИНИ ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ВА ТАНИҚЛИ СИЁСАТЧИЛАР ҲАМ АЛОҲИДА ЭЪТИРОФ ЭТАЁТГАНЛАРИ БЕЖИЗ ЭМАС, АЛБАТТА

Тараққиётнинг «ўзбек модели» асосида ишлаб чиқилган ушбу дастурий ҳужжатда қайд этилганидек, ҳақиқатан ҳам ўтган давр мобайнида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида Ўзбекистонда улкан натижаларга эришилди. Энг аввало, ҳокимиятлар бўлиниш принципининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини шакллантириш, қонун ижодкорлигининг сифатини ошириш, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш имконияти яратилди. Бош қомусимиз ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари билан парламент ваколатларининг мустаҳкамланиши эса Олий Мажлиснинг жамиятни ислоҳ қилишдаги ўрни ва ролини янада оширди. Бу мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати бўлган бюджетни қабул қилиш ва тасдиқлаш жараёнида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

2 ►►







**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 26 АПРЕЛДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,** статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ↑ 1814,89 | 1 АҚШ доллари | ↑ 1691,57 | 1 Хитой юани | ↑ 259,75 | 1 Туркия лираси | ↓ 1113,39 | 1 Япония иенаси | ↑ 206,57 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ↑ 2793,46 | 1 Миср фунти | ↑ 284,20 | 1 Малайзия ринггити | ↑ 562,92 | 1 Швейцария франки | ↑ 1907,50 | 1 Россия рубли | ↑ 60,54 |
| 1 Дания кронаси | ↑ 330,31 | 1 Исландия кронаси | ↑ 15,04 | 1 Польша злотийси | ↑ 624,20 | 1 ЕВРО | ↓ 2442,02 | 1 Украина гривнаси | ↑ 212,36 |
| 1 БАА дирҳами | ↑ 460,59 | 1 Канада доллари | ↑ 1775,37 | 1 СДР | ↑ 2722,43 | 1 Жанубий Корея вони | ↑ 15,63 | | |

# Ишончли кафолат дунё эътирофи деганидир

**XXI АСРНИНГ ТОБОРА КЕНГ ҚАМРОВ КАСБ ЭТАЁТГАН ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА ИҚТИСОДИЁТИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ, ЭНГ АВВАЛО, МАВЖУД ҲУҚУҚИЙ БАЗАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИ, УНИ ХАЛҚАРО МЕЪЁР ВА АНДОЗАЛАРГА МОСЛАШИШИНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ, АЛБАТТА**

**Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ,**
«XXI ASR»



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ислоҳотлар: амалиёт, муаммолар ва истиқболлар» мавзуидаги конференцияда ҳам асосий эътибор ана шу соҳада олиб борилаётган йўналишлар ва уни тартибга солувчи қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш масалаларига қаратилди.

2009 йилнинг 23 апрелидан кучга кирган «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги қонун айнан ана шу жараёндаги энг муҳим қадамлардан бири бўлганини соҳа мутасаддилари алоҳида таъкидламоқдалар. Мазкур қонун фуқаролар соғлиғи ва ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш, атроф-муҳит мусаффолигини асраш, давлатнинг мудофаа ва миллий хавфсизлигини таъминлаш механизмини яратишга йўналтирилгани ва биринчи навбатдаги маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатига қаратилгани билан ҳам алоҳида аҳамият касб этган эди. O`zLiDeP фракцияси аъзоларининг фикрича, юртимизда миллий қонунчилик асосларининг яратилиши ва халқаро ҳужжатларнинг қабул қилиниши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришга жуда катта ижобий таъсир кўрсатди. Айни пайтда иқтисодиётимиз таянчига айланиб улгурган ўрта қатлам кишилари салоҳияти ошиб, улар фаолияти тобора кенгайиб бораётир.

— Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қўмитамизда «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тайёрланмоқда, — деди қуйи палатанинг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси Илҳом Насриев. — Ушбу лойиҳада амалдаги 43 та қонун ва 6 та кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунингдек, бугун иккинчи ўқишда тайёрланаётган «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси устида ҳам жиддий ишлар олиб борилаяпти. Ушбу конференцияни ўтказишдан мақсад эса ана шу қонунларни қабул қилишда соҳа мутахассислари, экспертлар ва олимларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглаш орқали қонун лойиҳаларини янада такомиллаштиришдан иборатдир.

Конференция иштирокчиларининг фикрича, амалдаги қонунчиликда мувофиқликни баҳолашнинг асосий босқичларидан бири бўлган сертификатлаштириш соҳасида мувофиқлиги баҳоланиши лозим бўлган фаолиятлар доираси ва баҳолаш объектларининг меъёрий асослари тўлиқ очиб берилмаган. Шунингдек, аккредитация жараёнлари бўйича фаолиятнинг ҳуқуқий асослари етарли эмаслиги миллий аккредитация идорасининг халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши ҳамда тизимда олиб борилаётган ишларни халқаро даражада тан олиниши учун қабул қилиниши лозим бўлган талабларни татбиқ этиш заруратини келтириб чиқармоқда. «Ўзстандарт» агентлиги Бош директори Абдуқаҳҳор Абдувалиевнинг таъкидлашича, қонун лойиҳаларини қабул қилиш жараёнида ана шу жиҳатлар эътиборга олиниши зарур.

— Бугун республикамизда миллий сертификатлаштириш тизими самарали фаолият кўрсатмоқда — деди А.Абдувалиев. — Тизим доирасида маҳсулот ва хизматларнинг мувофиқлиги сертификатлаштириш орқали баҳоланади. Маълумки, халқаро тажрибага мувофиқ стандартларни ишлаб чиқишнинг асосий пойдевори, бу стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарда иштирок этувчи барча манфаатдор тарафлар томонидан консенсус асосида ягона қарор қабул қилишдан иборат. Аммо айни кунда, айрим соҳаларда стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар ташкил этилмаган. Бу эса ишлаб чиқарилаётган баъзи маҳсулотларимиз ва кўрсатилаётган хизмат турларига тегишли меъёрий ҳужжатларнинг йўқлиги ёки амалдагилари халқаро талабларга уйғунлаштирилмагани билан боғлиқдир. Ана шуларни инобатга олиб, ишлаб чиқилаётган ҳар икки қонун ҳам халқаро тажриба ва мамлакатимизни ривожлантириш стратегияси омилларини инобатга олган ҳолда миллий аккредитациялаш тизимининг қонуний, техникавий ва ташкилий асосларини яратиш, ривожланган давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлигимизни ошириш мақсадида, Бутунжаҳон савдо ташкилотининг келишувлари билан белгиланган талабларни босқичма-босқич амалиётга татбиқ этишни таъминлаш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматларнинг хавфсизлиги, сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, ички бозорни хавфли маҳсулотлардан ҳимоялашни назарда тутувчи нормалар билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқдир.

«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси бошқармаси бошлиғи Баҳтиёр Алибеков эса мувофиқликни баҳолаш жараёнларининг дунё миқёсидаги уйғунлашуви ягона халқаро савдо-сотиқларни олиб бориш учун истиқболли имкониятларни очиб беришини таъкидлади. Чунки мувофиқликни баҳоловчи идоралар маҳсулотлар, хизматлар ва етказиб берувчилар фаолияти белгиланган талабларга мувофиқ эканини баҳолайди. Бунда исътемолчилар томонидан ушбу талабларга мос бўлган маҳсулотларнинг сотиб олинишига эришиш уларнинг хавфсизлигини таъминлашда муҳим омиллардан саналади. Мувофиқликни баҳоловчи органлар халқаро миқёсда келишилган стандартлар асосида иш юритган тақдирдагина бу жараёндаги фаолият енгиллашади. Савдодаги техник тўсиқлар эса камаяди.

Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимизда ҳам бугун ана шундай талаблар асосида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бунда миллий стандартларнинг дунё миқёсида тан олинишига эришиш борасида тизимли ишлар олиб борилаётганини ҳам қайд этиш жоиз.

Йиғилиш иштирокчиларининг фикрича, сертификатлаштириш органлари, синов ва ўлчаш лабораторияларининг натижаларини тан олиш ҳамда қабул қилиш эркин савдони таъминлашга ёрдам берадиган асосий воситалар саналади. Шунинг учун ҳам «бир маротаба синалди — ҳамма жойда қабул қилинди» ва «битта сертификат — ҳамма жойда тан олинади» тамойилларини жорий этишга эришиш лозим.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, мутасадди ташкилот ва идораларнинг масъул ходимлари, экспертлар ҳамда соҳанинг етакчи олимлари иштирок этган конференцияда, шунингдек, мувофиқликни баҳолашга оид меъёрий ҳужжатларни халқаро стандартлар талаби асосида қайта кўриб чиқиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, дунё миқёсида тан олинган миллий аккредитация тизими фаолиятининг йўлга қўйилиши ҳамда мувофиқликни баҳолаш натижаларининг қабул қилиниши импорт билан шуғулланувчиларнинг ўз маҳсулотларини чет элларда қиммат бўлган такрорий синовлар, баҳолашларга сарфланадиган молиявий ресурсларини иқтисод қилишга олиб келади. Бу эса ўз навбатида давлатнинг валюта ресурсларидан самарали фойдаланишига янада кенгроқ имкон яратади.

Ана шулардан келиб чиқиб, конференцияда янги тизимга ўтиш соҳасидаги комплекс муносабатларни тартибга солишга қаратилган давлат дастурини, яъни унинг концепциясини қабул қилиш зарурияти мавжудлиги таъкидланди ва бу борада қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

# Иқтисодий барқарорлик мукаммал бюджетдан бошланади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Парламент қуйи палатасидаги Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ ва божхона қўмиталари билан ҳамкорликда ўтказган “Давлат бюджетини шакллантириш ва ижросини таъминлаш масалалари” мавзуидаги давра суҳбатида ҳам ана шу муҳим ҳужжатнинг аҳамияти ҳамда уни шакллантиришда парламент ва депутатларнинг иштироки масаласига эътибор қаратилди.

Тадбирда таъкидланганидек, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий тараққиёти кўп жиҳатдан унинг бюджет тизимига боғлиқ. Ана шу нуқтаи назардан ҳам иқтисодиётимизнинг йил сайин юксалишида мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзига хос бюджет сиёсати ва унинг параметрларини ҳаётга самарали татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Бюджетни шакллантириш жараёни бир мунча мураккаб тизим бўлгани учун ҳам у ўз ичига давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, ижро этиш ҳамда уни назорат қилиш, шунингдек, бюджет тузилмасига кирувчи қуйи органлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни қонун ҳужжатлари билан тартибга солиш масалаларини ҳам қамраб олади. Ана шу босқичларнинг муваффақиятли кечиши эса давлат бюджетининг тўлақонли шакллантирилишига имкон беради. Бу эса ўз навбатида мазкур жараёнда иштирок этувчи субъектлардан катта масъулият ва ақлий салоҳият талаб этади, албатта.

Маълумки, парламент аъзолари, шу жумладан, қуйи палата депутатлари бюджетни қабул қилиш, унинг ижроси юзасидан парламент назоратини ўрнатишда иштирок этадилар. Бироқ, бу жараённи самарали амалга ошириш кўп жиҳатдан бюджетни шакллантиришнинг энг муҳим босқичи бўлган «Бюджетнома» лойиҳасини тайёрлаш жараёнидан хабардор бўлишни тақозо этади. Маълумки, бюджет лойиҳаси Молия вазирлиги томонидан тайёрланиб, унда бюджет маблағлари олувчилар буюртмалари ва давлат бюджети тузилмасига кирувчи қуйи бўғинлар таклифлари асосий ўрин эгаллайди. Шунинг ўзиёқ ушбу тизим юзлаб ташкилотлар, маҳаллий бошқарув идораларининг тақдимномалари ҳар томонлама ўрганиб чиқилишини ва таҳлил қилинишини талаб қилувчи мураккаб жараён эканини кўрсатади.

O`zLiDeP фракцияси аъзоси, қуйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси Бахтиёр Иминовнинг таъкидлашича, бюджетни шакллантириш механизмлари ҳақида гап кетганда, унга фақат иқтисодий нуқтаи назардангина ёндашмасдан, ижтимоий-сиёсий масала сифатида баҳо бериш мақсадга мувофиқдир. Бу эса мамлакат аҳолиси тақдирини белгилаб берувчи муҳим ҳужжатни қабул қилиш ва тасдиқлашда депутатлар корпусидан ниҳоятда катта масъулият ҳамда ташаббускорликни талаб этади.

Тўғри, бюджет ижроси ёки қабул қилинаётган янги лойиҳанинг парламентдаги муҳокамаларида депутатлар томонидан кўплаб саволлар ўртага ташланади. Бугун ана шундай савол ва мурожаатларнинг айримларигина депутатлар мансуб бўлган партиялар нуқтаи назаридан келиб чиқилаётганини, аксарият ҳолларда эса улар тор доирадаги муаммоларни кўтаришга қаратилётганини таъкидлаш мумкин. Бу эса ҳали ҳануз бюджет лойиҳаси муҳокамалари чоғида айрим муаммолар сақланиб қолаётганини кўрсатади.

Анжуманда Молия вазирининг ўринбосари Мубин Мирзаев сўзга чиқиб, давлат бюджети — мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати бўлиб, унда давлатнинг йиллик даромадлари ва харажатлари ўз ифодасини топишини таъкидлади. Ушбу харажатларга етарли ва ўз вақтида маблағ ажратилиши эса давлат бюджети даромадларини кафолатланган тарзда таъминлашни тақозо этади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози тўла бартараф этилмаган бугунги шароитда аксарият давлатлар ўз иқтисодиётида кузатилган бюджет тақчиллигининг олдини олиш ва унинг даромадлар қисмини кафолатли таъминлашда аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун солиқ юкини оширишни энг мақбул йўл сифатида танламоқдалар.

Хусусан, Россияда 2011 йилдан бошлаб солиққа тортишнинг умумий тизими қўлланиладиган тадбиркорлик субъектлари учун солиқлар миқдори 26 фоиздан 34 фоизга, соддалаштирилган тизим қўлланиладиган тадбиркорлик субъектлари учун эса 14 фоиздан 34 фоизга (2,5 баравар) оширилди. Лекин солиқ юкининг бу даражада кескин оширилиши кутилган натижалар берадими, деган ҳақли савол ҳисобот йилининг биринчи чораги якунига етмасданоқ жамоатчилик томонидан турли мунозараларга сабаб бўла бошлади. Ҳатто айрим таҳлилчилар ҳукуматнинг бу қарорини қайта кўриб чиқиш лозимлигини, акс ҳолда у тадбиркорлик субъектлари сонининг камайиши, уларнинг даромадларини эса хуфя иқтисодиётга ўтиб кетишига асос бўлиб қолишини очиқ-ойдин таъкидлай бошладилар.

Биргина шу мисолнинг ўзиёқ давлат бюджети даромадлар қисмини тўлдириш масаласида ҳар томонлама чуқур ўйланган ёндашувларсиз бирор бир натижага эришиб бўлмаслигини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан ҳам бюджет даромадлари ва харажатларининг тўғри шакллантирилишини таъминлаш (оқилона солиқ сиёсатини юритиш)га қаратилган бюджет сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни юритиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида ушбу йўналишда қўлга киритган тажрибаси эса миллий манфаатлар ва халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда шакллантирилди. Мамлакатимизнинг бюджет тизими бугунги кунда нафақат ҳудудларнинг ривожланишига, балки аҳоли даромадларининг барқарор ўсиши ҳамда республиканинг стратегик тараққиёти манфаатларига мос бўлган кенг миқёсли иқтисодий сиёсатни амалга оширишга ҳам имкон яратмоқда.

Айрим давлатлардан фарқли равишда юртимизда тадбиркорлик субъектлари учун солиқ юкини кескин камайтириш йўлидан борилгани, хўжалик юритувчи субъектларга берилаётган имтиёзлар уларнинг ривожига туртки бериб, сони ва турининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Бу эса бюджетнинг даромадлар қисмига ижобий таъсир кўрсатиб, миллий иқтисодиётнинг юксалишини таъминловчи воситага айланмоқда. Яъни мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар сонининг йил сайин ошиб бориши улар томонидан тўланадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тушумини кўпайтириши баробарида, аҳолини зарур истеъмол товарлари билан таъминлаш ҳамда янги иш ўринларининг яратилиши учун асосий омил бўлмоқда.

Давра суҳбатида бюджет жараёнини амалга оширишда унинг барча субъектлари самарали иштирок этишига эришиш муҳим эканлиги таъкидланди. Тадбир иштирокчиларининг фикрича, шундагина давлат бюджетини шакллантириш, уни тайёрлаш, қабул қилиш ва тасдиқлашнинг узвийлиги таъминланади. Олий Мажлиснинг бюджет ижроси устидан назорати эса амалий самара беради. Бу эса пировардида қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятлари ўртасидаги бир-бирини тушуниш ва манфаатлар мувозанатини таъминлашга қулай шароит яратиб беради.

Ана шундай талаблар асосида O`zLiDeP фракцияси ушбу йўналишда турли тадбирлар ўтказишни ўз иш режасига киритди. Мазкур давра суҳбати ана шуларнинг дастлабкиси бўлиб, ундан кўзланган асосий мақсад бюджетни қабул қилиш ва тасдиқлашдек масъулиятли вазифани бажараётган парламентнинг, хусусан, депутатлар корпусининг ўрни ва иштирокини янада оширишдан иборатдир.

# Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — тараққиёт кафолати




Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Ўз мухбиримиз**

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида ўрта қатламни ривожлантиришга қаратилган зарур ҳуқуқий база яратилдики, бу иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаб бермоқда. Энг асосийси эса ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши муттасил ошиб бораётганидир. Агар 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг ушбу сектори ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил этди.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси М.Тешабоевнинг фикрича, хусусий мулкчиликка оид қонун ижодкорлигини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш O`zLiDeP фаолиятининг устувор йўналишидир. Ижтимоий ва иқтисодий соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш муносабати билан эса қонунчилик базаси янада такомиллаштирилмоқда. Жумладан, кейинги йилларда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясига қаратилган ўнлаб янги қонунлар қабул қилинди, 40 дан ортиқ қонун ҳужжатларига эса ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ўқув-семинар иштирокчилари солиқ соҳасида яратилган имтиёзлар, банк-молия тизимининг тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаётгани ва корхоналарни рўйхатга олиш тизими соддалаштирилганини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари Э.Гадоев эса ўз чиқишида мамлакатимизда солиқ юкини енгиллаштириш, солиқ солиш ва молия ҳисоботларини тақдим этиш жараёнини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларга иштирокчилар эътиборини қаратди. Зеро, барча соҳаларда бўлганидек, солиқ тизимида ҳам ислоҳотларни янада чуқурлаштириш айни кундаги устувор вазифалардан биридир.

Мамлакатимизда реал мулкдорлар қатламининг шаклланганлиги турмуш фаровонлигини ошириш, иқтисодий юксалишни таъминлаш, турли ҳаётий муаммолар ечимини топишда муҳим аҳамият касб этаётгани шак-шубҳасиз. Шу билан бирга семинарда мавжуд захира ва ресурслардан етарлича фойдаланилмаётгани, жойларда тадбиркорлар фаолиятига халақит бераётган айрим муаммолар мавжудлиги ҳам тилга олинди. Баҳс-мунозаралар, ўзаро фикр алмашувлар асносида ўтган тадбирда тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш юзасидан муҳим таклифлар билдирилди.

Тадбирда, шунингдек, чекка ҳудудларда фаолият кўрсатаётган ишбилармон ва фермерларни соҳага оид янгиликлардан ўз вақтида хабардор қилиб бориш, божхона сиёсати, солиқ турлари ҳамда уларда кўзда тутилган имтиёзлар юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш лозимлигига ҳам жиддий эътибор қаратилди.

Ўқув-семинарда «Энг намунали солиқ тўловчи», «Энг яхши солиқ тўловчи» номинациялари ғолибларига «Солиқ-инфо» газетасига бепул обуна бўлиш ҳуқуқини берувчи дипломлар тарқатилди.

# КОНЦЕПЦИЯ

**Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади.**



Дмитрий Видрин, Украина Президентининг маслаҳатчиси:

**Бу баъзи ривожланган мамлакатларда зўр бериб амалга оширишга ҳаракат қилинаётган «катта жамият» назарияси Ўзбекистонда аллақачон қарор топганининг ёрқин далилидир.**

**Ислоҳотларнинг янги босқичида жамоатчилик назорати институтининг ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда уни ҳаётга кенг жорий этиш энг долзарб вазифалардандир.**

17 (389)-СОН | 2011 йил 28 апрель, пайшанба | e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com

# Ўзбек модели

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Миродил АБДУРАҲМОНОВ**



Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли ва янгиланишлар асосини ташкил этган машҳур беш тамойил эса ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқичлик асосида ривожлантириш имконини бергани, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадриятга айланган юртимизда ислоҳот ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун шиорига қатъий амал қилингани эътироф этилди.

Юртбошимизнинг бундан ўн тўрт йил аввал чоп этилган «Ўзбекистон буюк келажак сари» асарида: «Биз ҳозир узоқ йўлнинг бошида турибмиз. Барқарор бозор иқтисодиёти очиқ ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш пировард мақсад бўлиб қолиши керак. Шундай жамиятгина Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинлигини кафолатлаши, миллий анъаналар ва маданият қайта тикланишини, шахс сифатида инсоннинг маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлаши мумкин» дейилган эди.

Ўшанда Ўзбекистоннинг беш йилда эришган натижалари умумлаштирилиб, ҳар бир йил аслида ўнйилликларга, ҳатто асрларга тенглаштирилиши мумкин, деган хулоса ҳам чиқарилганди. Ана энди бир ўйлаб кўрайлик: ўша даврдаги — 5 йиллик натижалар билан бугунги, яъни қарийб 20 йилда эришилган, ўз самараси билан бутун дунёда эътироф этилаётган муваффақиятларни қиёслаб бўладими?

— Глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсирида жаҳондаги кўплаб мамлакатларда иқтисодий кўрсаткичларнинг пасайиб кетаётганига қарамай, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик сақланиб, ялпи ички маҳсулот ҳажми мунтасил ўсаётгани, кенг кўламли таркибий ўзгаришлар ва бозор механизмларини мустаҳкамлаш давом этаётгани эътиборга молик, — деди халқаро конференцияда Европанинг тарихий вилоятлари иттифоқи раиси, адвокат, «Евроюрис Италия» италиялик юристлар уюшмаси аъзоси Витторио Жоржи.

Ҳа, чиндан ҳам Ўзбекистоннинг енгил ва осон йўл танламай, босқичма-босқичлик тамойилларига асосланган ҳолда «янги уй қурмай туриб эскисини бузма» ақидасига амал қилгани, айниқса, кейинги ўн йилда улкан натижаларни берди. Уларнинг салмоғи, кучи эса жаҳон молиявий инқирози даври талотўпларига ҳам дош бера олди.

— Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ноёб миллий институти — маҳаллаларнинг ўрни, нуфузи ва ваколатларини кенгайтиришга қаратилган тизимли қонунчилик механизмлари яратилгани эътиборлидир. Конференцияда келтирилган рақамларга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бугун ижтимоий-социал аҳамиятга эга ҳамда илгари маҳаллий давлат ҳокимияти зиммасида бўлган ўттиздан ортиқ вазифаларни бажараётган экан. Бу баъзи ривожланган мамлакатларда зўр бериб амалга оширишга ҳаракат қилинаётган «катта жамият» назарияси Ўзбекистонда аллақачон қарор топганининг ёрқин далилидир.

Украина президентининг маслаҳатчиси, сиёсатшунос Дмитрий Видрин конференцияда ана шундай хулосага келди.

Ҳақиқатан ҳам истиқлол йиллари Ўзбекистонда қадриятлар, урф-одат ва анъаналарни ўзида сақлаб қололган маҳаллага халқ бирлигининг ўчоғи деб қарала бошланди ва ўз навбатида, маҳалла аҳолининг қувончу ташвишларини давлатга етказувчи асосий кўприк вазифасини ҳам ўтади. Бошқача айтганда, Дмитрий Видрин таъкидлаган «катта жамият» назарияси Ўзбекистонда айнан маҳаллада шаклланди.

Германиялик таниқли сиёсатчи Кристоф Хоэппилнинг қуйидаги сўзларига эътибор берайлик:

— Президент Ислом Каримовнинг конференция иштирокчиларига йўллаган табригида келтирилган рақамларни таҳлил қилиб, шунга амин бўлдимки, юртингизда рўёбга чиқарилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилгандир. Хусусан, мамлакатингизда нисбатан қисқа даврда — 20 йилда одамларнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга етгани, оналар ўлими 2 баробардан зиёд, болалар ўлими эса 3 баробар камайгани ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳадаги ислоҳотлар самарасидир.

> **Президентимиз Концепциясида белгилаб берилган вазифаларни қайта-қайта таҳлил этар эканмиз, ундаги ҳар бир йўналиш, ҳар бир банд, уларда илгари сурилган дастурий ғоялар кеча ёки бугун режалаштирилмаганига, аксинча, улар эзгу мақсад сифатида истиқлолнинг дастлабки даврларидаёқ ўзбек моделининг босқичма-босқичлик тамойилларидан ўрин олганига амин бўламиз.**

Чиндан ҳам инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадриятга айланиши лозимлиги туб ислоҳотларнинг асл моҳиятига айлангани учун ҳам ана шундай натижаларга эришдик.

— Мен Тошкентда бир неча маротаба бўлганман. Бугалги ташрифимдан таассуротларим янада бойиб, Ўзбекистоннинг бунёдкорлик қудратига яна бир карра тан бердим. Бугун Тошкент қиёфасининг тобора гўзаллашиб бораётгани, одамлар турмуш фаровонлиги юксалаётгани — барчаси мамлакатингизда Президент Ислом Каримов бошчилигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самараси, албатта, — дейди «European Profiles S.A.» компанияси президенти (Греция) Димитриос Баколас.

Бугун нафақат Тошкент, балки бир маҳаллар «чўл» дея таърифланган Қарши, Жиззах ва Сирдарёнинг ҳам қиёфаси ўзгарди. Бунёдкорлик билан баб-баравар иқтисодиётимиз ривожланди. Агар 2009 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 8,5 фоизга етди. Айрим мамлакатлардаги беқарорлик мамлакатни қарзга ботирган, иқтисодиётни сиёсатга тиз чўктирган бўлса, Ўзбекистон ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, технологик янгилаш билан бирга хусусий секторни иқтисодиётнинг таянчига айлантирди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонга тан бермоқдалар.

Мақолага нуқта қўйишдан аввал яна Президентимизнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» асаридаги «Биз ҳозир узоқ йўлнинг бошида турибмиз» деган ибораларини эслагимиз келди. Чунки ана шу фикрлар айтилган кунларда барчамиз учун бугунги натижалар фақат орзу эди. Ўзбекистоннинг бугунги кунларга етажагига шубҳа қилганлар қанча эди атрофимизда?

Юртбошимиз Концепциясида белгилаб берилган вазифаларни қайта-қайта таҳлил этар эканмиз, ундаги ҳар бир йўналиш, ҳар бир банд, уларда илгари сурилган дастурий ғоялар кеча ёки бугун режалаштирилмаганига, аксинча, эзгу мақсад сифатида истиқлолнинг дастлабки даврларидаёқ ўзбек моделининг босқичма-босқичлик тамойилларидан ўрин олганига амин бўламиз.

Бу эса Ўзбекистоннинг жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг янги босқичида навбатдаги, янада зафарли, янада улкан натижаларни ваъда қилаётган катта йўл олдида турганини англатади.

---

**Ван ШЭМИН, Ганьсуй дўстлик алоқалари уюшмаси бош котиби, профессор (Хитой):**

— Бугунги кунда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар барқарор ривожланиб бормоқда. 2005 йили имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига кўтаришга ва алоқалар кўламини янада кенгайтириб, янги мазмун билан бойитишга хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг 19 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао билан учрашуви чоғида эришилган келишувлар келгусида халқларимиз манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Расмий ташрифлардан ташқари, халқаро анжуманлар доирасида музокаралар ўтказилиб, икки томонлама алоқалар ва амалий ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, долзарб халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашилмоқда. Ўзбекистон билан Хитой ўртасида ўзаро сиёсий ишонч мустаҳкамланиб боргани сайин савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик, энергетика, хавфсизлик ва бошқа кўплаб соҳалардаги алоқалар жадал тараққий этмоқда.

Шуни ишонч билан айта оламанки, Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида акс этган ва қонунчиликка киритилиши таклиф этилган ўзгартиришлар нафақат Ўзбекистон тараққиётига, балки йил сайин ривожланиб бораётган ҳамкорлик алоқаларимизни ҳам янги поғоналарга олиб чиқишга улкан ҳисса қўшади.

---

**Антонио Алонсо МАРКОС, Сан-Пабло университети ҳузуридаги Гуманитар институт профессори (Испания):**

— Жамиятни демократлаштиришда таълимнинг тутган ўрни ғоят муҳимдир. Бу борада ҳуқуқий таълим ҳамда жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган кенг кўламли ишларни амалга ошириш талаб этилади.

Юртингизда аждодларнинг бой меросини ўрганиш, тарғиб қилиш, таълим, фан ва маданият каби соҳаларни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганига гувоҳ бўлдик. Мен Ўзбекистоннинг Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида ҳам бўлганман. У ерлардаги бетакрор меъморий обидалар, муқаддас қадамжолар ва маданий ёдгорликлар ҳар қандай кишида унутилмас таассурот қолдиради.

# Тўртинчи ҳокимият ва жамоатчилик назорати

**ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ҚОНУНИЙЛИК, ДЕМОКРАТИЯ, ОШКОРАЛИК, АХБОРОТ ОЧИҚЛИГИ, ХОЛИСЛИК ВА ИХТИЁРИЙЛИК ПРИНЦИПЛАРИГА АСОСЛАНИБ, ЖАМИЯТДА АДОЛАТ МЕЗОНИНИ САҚЛАШ, ШАХС МАНФААТЛАРИНИ ТАЪСИРЧАН ҲИМОЯЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ОММАВИЙ ҲАРАКАТДИР**



**Фахриддин СОЛИЕВ,**
Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутати,
O`zLiDeP фракцияси аъзоси

Либерал қадриятларга асосланган жамиятда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти, қонун ва қарорлар ижроси устидан жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши эса, шубҳасиз, давлат ва жамият тараққиётига хизмат қилади.

Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш лозимлиги белгилаб берилди.

Жамоатчилик назоратининг таъсирчанлигини таъминлашда ОАВ ўрнини боса оладиган бошқа восита йўқ. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари қабул қилаётган қарорлар ва уларнинг ижроси даражасини фақат ОАВ жамиятга етказиши мумкин. Бундан ташқари, у миллионлаб фуқароларимизнинг воқеа ва ҳодисаларга нисбатан ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этадиган минбар ҳамдир.

## O`zLiDeP САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАН

**ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИНИ, ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ҲАМДА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИДАГИ УНИНГ РОЛИ ВА ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШНИ ТАЪМИНЛАШДАН ИБОРАТДИР.**

**ПАРТИЯ АХБОРОТ МАКОНИДА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА МАТБУОТНИНГ МУЛКЧИЛИК ШАКЛИ, АДАДИ, ҚАМРОВИ ВА МАВЗУ ЙЎНАЛИШИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР, БАРЧА ҚАТНАШЧИЛАР ЎРТАСИДА АДОЛАТЛИ РАҚОБАТ БЎЛИШИ ТАРАФДОРИДИР.**

Ахборот воситалари фаолияти ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳақиқатан ҳам ислоҳотларнинг янги босқичида жамоатчилик назорати институтининг ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда уни ҳаётга кенг жорий этиш энг долзарб вазифалардандир. Шу боис ушбу масала Олий Мажлис қуйи палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларида атрофлича ўрганилиб, ушбу мавзуда қизғин баҳс ва мунозалар ҳам бўлиб ўтаяпти.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, жамоатчилик назорати институтининг нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролар, депутатлар каби субъектлари орасида энг муҳими оммавий ахборот воситалари бўлиб, тўртинчи ҳокимият давлат органлари фаолияти, қонунлар, қарорлар ва дастурлар ижроси юзасидан энг таъсирчан ва самарали жамоатчилик назоратини ўрнатишга қодир куч саналади.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ижро этувчи ҳокимият устидан парламент назоратини кучайтириш вазифасини муваффақиятли ҳал этиш, кўп жиҳатдан, оммавий ахборот воситалари ва, албатта, кенг жамоатчиликнинг бу жараёндаги фаол иштирокига боғлиқдир.

Ҳақиқатан ҳам, жамоатчилик назоратининг таъсирчанлигини таъминлашда ОАВ ўрнини боса оладиган бошқа восита йўқ. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари қабул қилаётган қарорлар ва уларнинг ижроси даражасини фақат ОАВ жамиятга етказиши мумкин. Бундан ташқари, у миллионлаб фуқароларимизнинг воқеа ва ҳодисаларга нисбатан ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этадиган минбар ҳамдир.

Маълумки, ўтган йили парламент томонидан "Реклама тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг 23-моддасига кўра, тамаки, маҳсулотларининг рекламаси тақиқлаб қўйилди.

Аммо кези келганида қонун қабул қилинганига қарамай, спиртли ичимликларга оид рекламаларга чек қўйилдими, турли баннер ва бошқа чорловчи воситалар шаҳар ва қишлоқлардаги дўконлар, кўчалардан олиб ташландими, деган ҳақли савол туғилади. Агар қонун қабул қилинса-ю унинг ижроси жамоатчилик томонидан назорат қилинмаса, камчиликлар ошкор этилмаса, нуқсонларга нисбатан муносабат билдирилмаса, уни амалиётга татбиқ этиш мумкинми ахир?

Шу маънода қонун моҳияти ва мақсадини, энг аввало, ёшларга тушунтириш, ижрочилар томонидан қонун талаблари бажарилиши ёки улар томонидан қонун талабининг бузилиши ҳоллари содир бўлаётганини ошкор қилиш, бу масалаларга кенг жамоатчилик эътиборини қаратишда оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаши учун эса, аввало, унинг ҳуқуқий механизмлари бугунги кун талаблари даражасида бўлиши зарур. Ана шу талабдан келиб чиқилса, бугун «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги бир қатор қонун ҳужжатларини такомиллаштириш лозимлигини англаб етамиз.

Бунда ахборот олиш муддатлари, ОАВ вакилларининг мансабдор шахслар томонидан қабул қилиниши, журналист текширувини ўтказилишига монелик кўрсатиш ҳолатлари юзасидан жавобгарликни кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Зеро, ислоҳотларнинг бугунги янги босқичида, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, партиявий рақобат ва курашлар жараёнида, сайловчиларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва оммавий ахборот воситалари имкониятидан оқилона фойдаланиб, қабул қилинган қонунлар, қарорлар ҳамда давлат дастурларининг жойлардаги ижроси юзасидан ОАВ орқали қатъий жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши ўз навбатида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга, юртдошларимизнинг уларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

# Маҳалла оилавий тадбиркорлик остонаси

**МАҲАЛЛА БУ — ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШОВЧИ ТУРЛИ МИЛЛАТ ВА ЭЛАТЛАРНИНГ ТУРМУШ-ТАРЗИ, УРФ-ОДАТЛАРИ, КИШИЛАРНИНГ ҲАЁТ ҚУВОНЧЛАРИ ЖАМ БЎЛГАН ЎЗИГА ХОС ҚУТЛУҒ МАКОНДИР**





**Зиёдулла МЎМИНОВ,**
«XXI ASR»

Айни пайтда ноёб институт дея аталаётган маҳалла оилавий тадбиркорликнинг ҳам тагзамини бўлаяптики, бу унинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини янада оширишга хизмат қилаяпти.

O`zLiDeP Тошкент вилояти кенгаши “Аёллар қаноти” томонидан Бўка туманида ўтказилган “Маҳаллани оилавий бизнес ва тадбиркорлик марказига айлантиришда O`zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг иштироки ва роли” мавзуидаги кўргазмали семинарда ҳам ана шундай фикрлар билдирилди.

Жажжи қизалоқ — Ноила яратган бежирим маҳсулотлар кишини ҳайратга солмай қўймайди.

— Ноиланинг маҳсулотлари биринчи марта кўргазмага қўйилганида у 3 синфда ўқир эди, — дейди унинг келинойиси ва устози Малоҳат Исматова. - Бугунга келиб эса Ноила оиламизнинг тенг ҳуқуқли ҳунарманд тадбиркорига айланди. Кези келганида унинг чизмалари асосида яратилган маҳсулотлардан биз ҳам андоза оламиз. Ҳозир тўрт ўғлим ҳамда саккиз нафар шогирдимга нафақат бисерчилик, балки болаларнинг қизиқишларига қараб ҳам ҳунар ўргатаяпман. Бунда O`zLiDeP туман кенгаши аёллар қанотининг маҳалламиз билан ҳамкорлиги бизга яхши самара бераяпти.

Ҳақиқатан ҳам бугун Бўка туманида халқ амалий санъати, миллий ҳунармандчиликнинг турли йўналишларида иш олиб бораётганлар кўпчиликни ташкил этаяпти. Масалан, Гулчеҳра Ҳамроева устозлик қилаётган Бўка агротадбиркорлик касб-ҳунар коллежи талабалари томонидан тўқилган гиламлар, миллий анъаналар асосида тикилган кийимлар ўтган йили пойтахтда ўтказилган “Қўли гулдир ўзбек аёли”, “Навқирон Ўзбекистон” кўргазмаларида намойиш этилиб, хорижлик меҳмонларга ҳам манзур бўлган эди. O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамованинг таъкидлашича, ёшлар билан ишлаш, уларга касб ўргатиш билан бирга тадбиркорлик, ишбилармонлик кўникмаларини ҳосил қилишда Бўка тажрибаси ниҳоятда қўл келиши мумкин.

— Аммо масаланинг яна бир жиҳати борки, бу - эндигина иш бошлаётган тадбиркорларнинг бошланғич сармояга эга бўлишидир, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Муҳаббат Тўхтаева. — Айтмоқчиманки, ёшларимиз ҳақиқатдан ҳам ҳар томонлама фойдали, ўзини оқлайдиган бизнес-режаларига эга бўлишлари мумкин. Бироқ уни амалга ошириш учун кимдадир имконият бор, бошқа биров эса банк кредитларига эҳтиёж сезади. Шу боис уларга бошланғич маблағ масаласини ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатилиши керак. ДТ “Халқ банки”нинг туман бўлими масъул ходими Фурқат Исматовнинг таъкидлашича, бугун ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида барча тижорат банклари кам фоизли кредитлар ажратмоқда. Бундай имкониятдан фойдаланган ёш тадбиркорлар ўз бизнес-режалари орқали ҳатто импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқармоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, Бўка туманида ўтказилган тадбир турли фикр-мулоҳазаларга бой бўлди. Кўргазмада намойиш этилган маҳсулотлар эса тадбиркорлар учун яратиб берилаётган имконият ва имтиёзлар амалий натижа бераётганини кўрсатди. Эндиги вазифа эса ана шу имкониятлардан унумли фойдаланишда. Бунда O`zLiDeP тадбиркорларга қанот бўлиш билан бирга уларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этишда ҳам асосий таянчга айланиши лозим.

**O`zLiDeP нинг САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАН**

**ПАРТИЯ АЁЛЛАРНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ИЖТИМИОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДАГИ ЎРНИНИ ОШИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТАДИ.**

# Сурхонда ишсиз ёшлар бўлмайди

**ТЕРМИЗ ШАҲРИДАГИ «ТАДБИРКОРЛАР МАРКАЗИ» БИНОСИДА «ДИПЛОМ БИЛАН — БИЗНЕСГА» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДАГИ НАВБАТДАГИ ЎҚУВ-СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ**

**Фарҳод ТОШБОЕВ,**
«XXI ASR»



Соҳа мутахассисларининг таъкидлашларича, жорий йилда Сурхондарёдаги 115 та касб-ҳунар коллежи ҳамда бешта академик лицейни 35 мингдан зиёд йигит-қизлар битириб, мустақил ҳаётга йўлланма оладилар.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг Марказий банк ҳамда ОАТБ «Микрокредитбанк» ҳамкорлигида ташкил этилган ва Термиз давлат университети ва Сурхондарё вилояти касб-ҳунар коллежлари битирувчилари иштирок этган тадбирда ана шундай маълумотлар тилга олинди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида ишлаб чиқилган мазкур лойиҳадан кўзда тутилган асосий мақсад мустақил ҳаётга қадам қўяётган ўғил-қизларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, энг яхши инновацион лойиҳа ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ҳамда амалиётга жорий этишдан иборатдир — дейди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаш ижроия қўмитаси ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Б.Очилов.

Тадбирда партия вилоят кенгаши раиси биринчи ўринбосари, аппарат раҳбари А.Турдиев, ОАТБ «Микрокредитбанк» вилоят бошқармаси бошлиғи М.Маҳмудов ва савдо-саноат палатаси мутахассислари сўзга чиқиб, бизнес-режа ва уни тузиш тартиби, тадбиркорлик фаолиятига оид қонуний-меъёрий ҳужжатлар, кредит сиёсати, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари учун яратилган имтиёзлар ва бошқа масалалар юзасидан атрофлича маълумот бердилар.

— Тадбиркорликка иштиёқим баланд, — дейди Термиз иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи битирувчиси Умиджон Абдумаликов. — Ўз бизнесимни «Paynet» хизматини ташкил этишдан бошлашни режалаштириб юрган эдим. Машғулотлар давомида эса керакли маълумотларга эга бўлдим. Хуллас, бугунги семинардан кейин «Paynet» ва компьютер хизмати кўрсатиш нуқтасини очишга қарор қилдим. Ушбу мавзудаги бизнес-режам муносиб баҳоланиб, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи махсус сертификатни ҳам қўлга киритдим.

Дарҳақиқат, O`zLiDeP амалга ошираётган ишлар ёшлар ўртасида бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилаётир.

— Аъзоларимизнинг 60 фоиздан ортиғи тадбиркор ва фермерлардир, — дейди, партия вилоят кенгаши раиси биринчи ўринбосари, аппарат раҳбари А.Турдиев. — Айни пайтда вилоятда 460 та бошланғич партия ташкилоти бўлиб, улар ўз сафига 22 мингга яқин аъзони бирлаштирган. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да эса ана шу фаолларимиз зиммасига алоҳида масъулият юклатилган. Чунки ҳозир кўплаб меҳнат жамоаларида янги иш ўринлари ташкил этилиб, уларга асосан коллежлар битирувчилари жалб қилинмоқда. Масалан, Қумқўрғон туманидаги «Сурхон комбинати» масъулияти чекланган жамияти агросаноат касб-ҳунар коллежи битирувчиларидан 20 нафарини, маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг эса 30 нафар битирувчисини доимий иш билан таъминлаш бўйича шартнома тузди. Шунингдек, Денов, Сариосиё, Шўрчи ва Жарқўрғон туманларидаги қатор бошланғич ташкилотларимиз саъй-ҳаракати билан ҳам битирувчи ёшлар учун янги иш ўринлари яратилаётир. Бир сўз билан айтганда, «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси, шубҳасиз, мустақил ҳаёт остонасида турган навқирон авлод вакилларини аниқ соҳаларга йўналтириш, уларга маънавий ва молиявий ёрдам бериш учун хизмат қилмоқда.

— Жорий йилда воҳада касб-ҳунар таълими битирувчиларининг тадбиркорликка оид фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 1 млрд. 273 млн. сўмдан ортиқ имтиёзли кредит маблағи ажратиш режалаштирилган.

Коллежларни шу йил тугатиб, ўз бизнесини бошлаётган йигит-қизларга эса 200 млн. сўмга яқин имтиёзли кредитлар ажратилади, — дейди «Микрокредитбанк» вилоят бошқармаси бошлиғи М.Маҳмудов. — Унинг бир қисми «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида фаол қатнашиб, ўз билим ва малакасини тўла намоён этган ёшларга берилади.

Лойиҳа иштирокчиларининг ўқув-семинар давомида бевосита тадбиркорлик субъектларида бўлиб, улар фаолияти билан яқиндан танишганларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, Термиз туманидаги «Аслиддин» савдо-ишлаб чиқариш корхонасида йўлга қўйилган меҳнат жараёнлари йигит-қизларда катта таассурот уйғотди.

— Ижодий меҳнатнинг гашти бўлакча экан, — дейди Термиз давлат университети касбий таълим йўналиши 4-курс талабаси Х.Кулматова. — Айниқса, «Аслиддин» савдо-ишлаб чиқариш корхонасида замонавий хориж технологиялари асосида тайёрланаётган сифатли қурилиш материаллари бизга жуда манзур бўлди. Келгусида ана шундай хусусий корхона ташкил этиб, халқимиз эҳтиёжи йўлида хизмат қилишни кўнглимга тугиб қўйдим. «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасида бичувчилик ва тикувчиликка оид бизнес-режамни тақдим этган эдим. Бу таклифим юқори баҳоланиб, махсус сертификат билан тақдирланди.

Ўқув-семинарда касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари учун мўлжалланган бундай тадбирларни вилоятнинг бошқа туманларида ҳам ўтказишга келишиб олинди.

**Депутатлик гуруҳларида**

# Ўз фаолиятимиздан қониқаяпмизми

**O`ZLIDEP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЖОНЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЎҚУВ-СЕМИНАРДА «ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ЯНГИЛАШ ВА ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ҲАМДА МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ КОНСТУТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ВА ПАРТИЯНИНГ МАХСУС ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ТАЛАБЛАРИНИ БАЖАРИШ ДОИРАСИДА ПАРТИЯ ТУЗИЛМАЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ ТОМОНИДАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ**

**Наргиза ҚАҲҲОРОВА,**
«XXI ASR»

— Ўтган йилларда орттирилган тажрибалар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар таҳлили вакиллик масъулиятини янада жонлантиришни тақозо этмоқда, — деди семинарда партия депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Абдумажид Каримов. — Йил сайин қонуний имкониятларимиз кенгайиб, давлат бошқарувида сиёсий партиялар роли ортаётганига қарамай, айрим ҳудудий партия ташкилотларимиз ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари имкониятлардан етарлича фойдаланмаяптилар. Натижада ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган дастурларнинг бажарилишида партия фаоллари роли ва ташаббускорлиги сезилмаяпти.

Таъкидлаш жоиз: ўтган 2010 йилда O`zLiDeP нинг маҳаллий кенгашлардаги депутатлари сайлов округларида жами 5565 та учрашув ўтказган бўлсалар, уларда сайловчилар томонидан 14941 таклиф ва мурожаатлар тушган ва уларнинг 9860 таси мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ижобий ҳал этилган. Аммо кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш комиссияси маълумотига кўра, жорий йилнинг биринчи чорагида айрим ҳудудларда депутатлик учрашувлари ва сайловчилар мурожаати кескин камайган. Хусусан, Жиззах вилоятида 142 нафар депутатга бор-йўғи 2 та мурожаат, Навоий вилоятидаги 91 нафар депутатга 11 та мурожаат бўлган, холос. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Жиззах вилоят кенгашлари депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан бирорта ҳам депутатлик сўрови билан чиқилмаган. Бу маҳаллий кенгаш депутатларининг сайловчилар билан етарлича мулоқотга киришмаётганини ёки бажарилаётган амалий ишлар тўғрисидаги ҳисоботларнинг ўз вақтида комиссияга тақдим этилмаётганини кўрсатади.

Семинарда ана шундай камчиликларнинг олдини олиш мақсадида гуруҳлардаги депутатлар фаолиятини тизимли тартибда йўлга қўйиш, ижобий натижаларга эришган депутатлик гуруҳлари раҳбарларининг фаолиятини оммалаштириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Жумладан, Фарғона вилоятининг Бешариқ туманда O`zLiDeP аъзолари томонидан «Сув ва сувдан фойдаланиниш тўғрисида»ги қонуннинг тумандаги ижроси ҳамда 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг ҳолатини яхшилаш Давлат дастури»нинг бажарилиши ўрганилиб, масала туман кенгаши сессиясида муҳокама қилинган. Самарқанд вилоятининг Жомбой ва Иштихон туманларида эришилган натижалар ҳақида ҳам ана шундай фикр билдириш мумкин.

— Бугунги тадбирда қатор ҳудудларда амалга оширилаётган ижобий ишлар билан танишдик ва тажриба алмашдик, — дейди Жиззах вилоят депутатлик бирлашмалари билан ишлаш гуруҳи раҳбари Баҳодир Қўйчиев. —Ўйлайманки, семинар тавсиялари жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб масалаларни ҳал этишимизга кўмак беради.



Семинарда ҳудудий партия ташкилотларида депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг туман ва шаҳар партия ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб боришларини тизимли йўлга қўйиш билан бирга партиянинг таянч бўғини бўлган бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини ошириш, бунда партия электорати бўлган тадбиркорлик субъектларига асосий этиборни қаратиш зарурлиги такидланди.

Семинарда Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси раиси Муҳаммадюсуф Тешабоев қатнашди ва сўзга чиқди.

**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ- ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ**

«Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасида олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларининг битирувчи босқич талабалари учун:

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига кенгроқ жалб этишга кўмаклашиш, уларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган махсус ўқув курсларини ташкил этади.**

**Мазкур тадбирлар жорий йилнинг апрель-май ойларида республикамизнинг барча минтақаларида ўтказилиши режалаштирилган.**

**Махсус ўқув сертификатларига эга бўлган ёшларнинг бизнес лойиҳаларига тижорат банклари томонидан имтиёзли микрокредитлар ажратилади.**

Қўшимча маълумотларни интернетдаги www.uzlidep.uz сайтидан олишингиз мумкин.
*«Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси ўқувларида иштирок этинг ва ўз бизнесингизни йўлга қўйинг.*

# ННТлар ва аграр соҳа ҳамкорлиги янги босқичда

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ АГРАР ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЎРГАНИШ ИНСТИТУТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА «ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА НОДАВЛАТ СЕКТОРИНИНГ ЎРНИ ВА УНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУРАТИ» МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗДИ**



Йиғилишда фуқаролик жамияти институтлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг муҳим омилига айлангани, фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишлари ҳамда жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга алоҳида ҳисса қўшаётгани таъкидланди. Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси М. Тешабоевнинг таъкидлашича, «учинчи сектор»нинг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг очиқ-ошкоралигини таъминлашдаги ролини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий асосларнинг яратилгани улар сонининг йил сайин ошиб боришига хизмат қилмоқда. Хусусан, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши натижасида ННТлар сони 5100 дан ошди. Бу кўрсаткичнинг 2000 йилга нисбатан 2,5 баробарга кўпайгани эса «учинчи сектор»нинг давлат ва жамият қурилишида роли ошиб бораётганидан далолатдир.

Анжуман иштирокчиларининг фикрича, қишлоқ хўжалиги йўналишида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари мазкур соҳани ҳам жадал ривожлантиришда ўз ўрнига эгадир. Айниқса, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари, «Сувдан фойдаланувчилар, «Насл-хизмат», «Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари», «Парранда саноатчилари», «Ветеринария мутахассислари», «Асаларичилар» уюшмалари ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг қишлоқ хўжалигига инвестициялар киритиш ва модернизациялашдаги ҳиссаси бекиёсдир.

**O`zLiDePнинг сайловолди дастуридан**

**ННТЛАРГА ФУҚАРОЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ҚОНДИРИШ ВА ҲИМОЯЛАШГА, МУҲИМ ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ЛОЙИҲАЛАРНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШГА ҚАРАТИЛГАН ФАОЛИЯТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА КЎМАКЛАШИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ.**

Давра суҳбатида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти бош илмий ходими Ш. Мамадалиев сўзга чиқиб, қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг самарали ишлаши ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири эканига алоҳида эътибор қаратди. Соҳада фаолият юритаётган ННТларнинг товар ишлаб чиқарувчилар билан иқтисодий ва ижтимоий шериклигига оид ҳуқуқий асосларнинг яратилиши эса қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишдан ташқари мавжуд ижтимоий масалаларни ҳал этиш имконини ҳам кенгайтирмоқда.

Маълумки, жамият тараққиётининг бугунги босқичи нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат ҳокимияти органлари билан муносабатларини тўлиқ тартибга солиш талабини кун тартибига қўймоқда. Анжуман иштирокчилари Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш ғояси илгари сурилганининг боиси ҳам шунда эканини таъкидладилар. Ушбу қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, турли қатлам кишиларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда «учинчи сектор»нинг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар ўз аксини топиши катта аҳамиятга эгадир.

Давра суҳбатида қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва соҳани янада ривожлантиришдаги ўрнини белгилаш, қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчилар сафини кенгайтиришда ННТнинг ролини ошириш, уларнинг тегишли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги иштирокини фаоллаштириш, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ экологик муаммоларни ҳал этиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда жамоатчилик назоратини кучайтириш каби масалалар юзасидан ҳам атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда бир қатор вазирлик ва идоралар ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, олий ўқув юртларининг олим ҳамда мутахассислари иштирок этган анжуманда тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.



# Мижоз муваффақияти банк муваффақиятидир

**«АСАКАБАНК»НИНГ НАМАНГАН ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ АЙНИ ПАЙТДА ЎЗ ТАРКИБИДАГИ 10 ТА МИНИБАНК, 3 ТА МАХСУС КАССА, АҲОЛИДАН КОММУНАЛ ВА БОШҚА ТЎЛОВЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ИХТИСОСЛАШГАН 55 ТА ШОХОБЧАСИ БИЛАН 2782 НАФАР МИЖОЗГА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТМОҚДА**

**Шаҳзод НАЗАРОВ,**
«XXI ASR»

Бу борада ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган «Банк-мижоз» компьютер тизимига ўтилганлиги яхши самара бераётир. Натижада ҳисоб-китобларни нақдсиз амалга ошириш, банкдаги ҳисоб рақамини юритиш ҳамда мавжуд молиявий ресурсларни офисдан чиқмаган ҳолда тезкор бошқариш, шунингдек, иш вақтини тежаш имкони туғилаяпти. Наманганлик «Асакабанк»чилар ушбу тажрибани қўллаб, йирик мижозлари — «Чуставтотеххизмат-Н», «Муслимтекс», «Наманганавтосавдо», «Тўрақўрғон-Ширинлик» ҳамда «УзЧасис» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонасига намунали ва замонавий банк хизмати кўрсатишга эришаяптилар.

Жорий йилда вилоятда мулкдорларнинг ўрта қатламини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош ҳамда сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида соҳага 9,2 млрд.сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилди. Натижада 83 та янги иш ўринлари яратилди.

Жойларда Тадбиркорлар сафининг кенгайиши аҳолининг сифатли озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондиришда алоҳида аҳамиятга эга. Ана шу мақсадда жорий йилнинг ўзида 5,8 миллиард сўм кредит маблағи йўналтирилди. Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ажратилган кредитлар қолдиғи эса 4,8 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

Қишлоқ оилаларини чорва молларисиз тасаввур этиш қийин албатта. Бу, аввало, дастурхонларимиз тўкинлиги учун зарурдир. Банкнинг молиявий кўмаги билан қисқа вақт ичида кам таъминланган оилаларга қорамол харид қилиш учун 236,6 миллион сўм, паррандачиликни йўлга қўйиш учун фермер хўжаликларига 292 миллион сўм миқдорида кредит берилди. Шу боис тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни ихтиёр этган кўпгина хотин-қизлар ҳам асосан «Асакабанк»ка мурожаат қилишаяпти. Жорий йилда уларнинг 30 нафарига 189 млн. сўм кредит берилганлиги фикримиз далилидир. Шаҳардаги «Фахр текстил савдо» фабрикасида 25 нафар ишчи-ходимлар меҳнат қилишади. Жорий йилда корхона банк кредити эвазига янги тикувчилик дастгоҳларини олиб келишни режалаштирган. Бунинг натижасида 40 та янги иш ўринлари яратиш имкони туғилади. Ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, мустақил ҳаёт йўлида уларга яқиндан ёрдам кўрсатиш айни кундаги долзарб масалалардан биридир. Банк жамоаси шундан келиб чиқиб, хизмат маданиятини янада оширишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, шу йилнинг ўзида 103 та ёш оилага 279 миллион сўм истеъмол кредити берилди. Банкнинг 3,4 млрд. сўм миқдоридаги кредити эвазига вилоятдаги 98 та ёш оила уй-жойли бўлди.

Тўловларни нақд пулсиз амалга оширишнинг инновацион шаклларига бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ошиб бораётир. Гап банк томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар ҳақида кетаётганини англаган бўлсангиз керак. Бугунгача уларнинг сони қарийб 39925 тага етди. Мижозларга кенгроқ қулайлик яратиш мақсадида савдо ва хизмат кўрсатиш жойларида 671 та терминаллар ўрнатилган бўлиб, электрон савдо орқали нақд пулсиз амалга оширилаётган ҳисоб-китоблар ҳажми кенгайиб бараяпти. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бу борадаги савдо айланмаси 5,5 млрд. сўмдан ошганлиги ҳам фикримиз далилидир.

Банк аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизматини яхшилашда ҳам ўз молиявий кўмагини аямаяпти. Жумладан, «Ўзавтосаноатлизинг» компаниясининг лизинг тўлови ҳамда банк кредити ҳисобига «Исузу» русумли 200 та замонавий микроавтобуслар олиб келинди. Айни кунда улар шаҳар кўчаларида тинимсиз ҳаракатланиб, йўловчилар узоғини яқин қилмоқда.

Аҳил жамоанинг мақсади битта: у ҳам бўлса, мижозлар сафини кенгайтириш, кўрсатилаётган хизмат сифати ва маданиятини янада оширишдан иборат. Шунинг учун мавжуд куч ва молиявий имкониятлардан тўлиғича фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

## O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади

**ХОРАЗМ.** O`zLiDeP вилоят кенгаши ташаббуси билан Хива педагогика коллежида “Жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларида аёлларнинг иштироки” мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Юртбошимизнинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” номли маърузаси мазмун-моҳиятига бағишланган мазкур тадбирда давлат бошқарувини янада демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ахборот ва сўз эркинлиги, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, хусусида атрофлича фикр юритилди. “Аёллар қаноти” томонидан эса мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини хотин-қизлар орасида тушунтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишда Концепцияда белгиланган устувор вазифаларга асосланиш, иқтисодиёт ва бизнес кўникмаларни шакллантириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

**ҚАШҚАДАРЁ.** Чироқчи туманида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимиз тараққиётининг мустаҳкам таянчи” мавзуида ўтказилган давра суҳбатида O`zLiDePдан сайланган маҳаллий кенгаш депутатлари, банк ва солиқ идоралари ходимлари иштирок этдилар. Тадбир доирасида ишбилармон Шуҳрат Холмўминовнинг паррандачилик ва Шоймардон Хўжақуловнинг маъданли сув ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарида амалий мулоқотлар ҳам уюштирилди. Давра суҳбатига таклиф этилган ёшлар “Диплом билан — бизнесга” лойиҳасининг мақсад-вазифалари билан яқиндан танишдилар.

**АНДИЖОН.** Вилоятнинг Шаҳрихон, Булоқбоши туманларида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида “Ишбилармон ўқувчи” стипендияси учун ўтказилаётган кўрик-танловнинг туман босқичлари бўлиб ўтди. Вилоят босқичида қатнашишга йўлланма олганларга партиянинг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

**СУРХОНДАРЁ.** Термиз шаҳрида партия “Аёллар қаноти” ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ишлаб чиқилган “Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари” лойиҳаси доирасида ўқув-семинар бўлиб ўтди. Тадбир якунида унинг фаол иштирокчиларига тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

**НАВОИЙ.** Хатирчи туманидаги агросервис касб-ҳунар коллежида ўтказилган давра суҳбатида эса ёшларни хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес ва ҳунармандчиликка кенг жалб этиш, таълим муассасалари битирувчилари билан иш берувчи ташкилотлар ўртасида тузилаётган ўзаро шартномаларнинг ижросини партия назоратга олиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

## «Бугун» бепул тарқатилмоқда

Тошкентда юртимиз тарихида бепул тарқатиладиган дастлабки кунлик нашр «Бугун» («Сегодня») газетаси чоп этила бошланди.

Ахборот-тижорат, консалтинг, таҳлил ҳамда нашриёт хизматларини кўрсатувчи CIB GROUP компанияси томонидан таъсис этилган А-3 форматдаги 8 саҳифадан иборат мазкур газета ўз олдига республикамизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳаётида рўй берган янгилик ва воқеаларни ёритиш, шунингдек, ўқувчиларни спорт ва реклама материаллари билан таништиришни мақсад қилган.

Маълумотларга кўра, душанбадан жумага қадар ҳар куни 15 000 нусхада чоп этилаётган газета метрополитен бекатлари, бозорлар ва бошқа жамоат жойлари яқинида бепул тарқатилмоқда. Бундан ташқари, янги даврий нашрни обуна ташкилотлари орқали юридик шахсларга тарқатиш ишлари ҳам йўлга қўйилган.

O`zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP Шайхонтоҳур туман кенгаши раиси Одилжон Ашировга волидаи муҳтарамаси
**Дилором ая**нинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

*Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!*
**ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ**
нодавлат нотижорат ташкилоти хусусий бизнесни йўлга қўйиш, иш фаолиятингизга турли ноқонуний аралашувлар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва кўмакчингиздир.
Фаолиятингизда бирор муаммо юзага келса, сира иккиланмай бизга мурожаат этинг!
Манзил: Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-6 даҳаси 19 Г уйда жойлашган.
Тел.: 8 (371) 265-80-48; 265-73-17. E-mail: deputat.uz@rambler.ru

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси «Ёшлар қаноти» «Ишбилармон ўқувчи» стипендияси учун кўрик-танлов ўтказилишини маълум қилади**

*Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятига қизиқишини кучайтириш, ўз бизнесини ташкил этишлари учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароит яратиш, академик лицей ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб қилиш, мамлакатимиз келажаги йўлидаги интилиши, изланишлари, жамоат ишларидаги фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси «Ишбилармон ўқувчи» махсус стипендиясини таъсис этади.*

*«Ишбилармон ўқувчи» стипендияси совриндорлари танлов асосида қуйидаги мезонлар бўйича аниқланади:*

*— тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини қай даражада ўзлаштирганлиги;*

*— замонавий ахборот ва компьютер технологиялари ҳамда интернет хизматидан фойдаланиш борасидаги билимлари;*

*— қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш борасида ишлаб чиққан инновацион лойиҳалари;*

*— стипендия совриндори «аъло» ўқиши, унинг партия фаолиятидаги фаол иштироки, намунали хулқи, етакчилик қобилияти, ёшлар билан ишлай билиши, миллий ва либерал-демократик ғояларни қай даражада ўзлаштирганлиги.*

*Кўрик-танловнинг республика босқичида биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган ўқувчиларга O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан ўтган ўқув йиллари натижалари (синов дафтарчаси кўрсаткичлари) ҳисобга олинган ҳолда «Ишбилармон ўқувчи» стипендияси берилади.*

**Азиз ёшлар!**
**O`zLiDeP «Ёшлар қаноти» эл-юрт равнақи, Ватан манфаатлари учун фидойи бўлган, ўз тақдирини мамлакат тақдири билан уйғунликда кўрадиган ёшларни «Ишбилармон ўқувчи» стипендияси учун ўтказиладиган кўрик-танловда иштирок этишга чорлайди.**

«Ишбилармон ўқувчи» стипендияси учун 2011 йилда ўтказиладиган кўрик-танлов ЖАДВАЛИ

| № | Кўрик-танловнинг босқичлари | Ўтказилиш муддати |
|---|---|---|
| 1. | Биринчи (туман, шаҳар) босқич | 20 апрель-15 май |
| 2. | Иккинчи (вилоят) босқич | 15-25 май |
| 3. | Учинчи (республика) босқич | 5 июнь |

Маълумот учун телефонлар: 8 (371) 255-48-17, 255-08-21, веб-сайт: www.uzlidep.uz

# Биржа тадбиркорлик ривожланишини белгиловчи асосий мезон

## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БОШҚАРУВИ РАИСИ З.С.ШАМШИЕВ «XXI ASR» МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

**Ҳ. КАРИМОВ**
суҳбатлашди

**— Зокир Сайфуддинович, энг аввало, Кўчмас мулк биржасининг 2010 йилдаги натижалари тўғрисида маълумот берсангиз.**

— Бу саволга жавоб қайтаришдан аввал Кўчмас мулк биржаси бу, биринчи навбатда, хусусий мулкка бўлган муносабат ва тадбиркорлар фаолиятини баҳоловчи энг холис мезон эканини таъкидлашни истардим. Шу маънода 2010 йилда ҳам кўчмас ва бошқа мулкларни биржа, аукцион, электрон ва танлов савдолари орқали сотиш ҳажми ошганини айтиш мумкин.

Масалан, иккиламчи бозорни ривожлантириш натижасида ўтган йилги савдоларда нодавлат мулклари ҳажми салмоқли ўрин эгаллаб, 6,9 мингта турли мулклар 196,5 миллиард сўмга сотилгани мамлакатимизда кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш жараёнлари изчил амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш керак.

Агар биржанинг сўнгги йиллардаги фаолиятига назар ташласак, кўрсаткичлар йилдан-йилга ўсиб бораётганини кўрамиз. Хусусан, 2009 йил давомида 8,8 мингдан ортиқ мулклар 158,2 миллиард сўмга сотилган бўлса, 1969 та, яъни 1,8 миллиард сўмлик давлат мулки нодавлат шаклга ўтказилди. Сотилган давлат мулкларидан 4 таси Президентимизнинг "2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш тўғрисида"ги қарори асосида амалга оширилган бўлса, қолган 1965 та давлат мулки уй-жой қуриш ва умрбод эгалик қилиш ҳамда савдо-маиший хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер майдонлари ҳисобланади.

Ўтган йили эса қарийб 9,5 мингдан ортиқ мулклар 199,1 миллиард сўмга сотилди. Жумладан, 2 миллиард 454 миллион сўмлик 2589 та давлат мулки хусусий мулкчилик шаклига ўтказилди. Бу 2009 йилдаги кўрсаткичларга нисбатан сон жиҳатидан 131,5 фоиз, қиймат жиҳатидан эса 135,5 фоиз кўп демакдир. Уларнинг 2574 таси ер участкалари бўлса, 15 таси хусусийлаштириш дастурига киритилган давлат активларидир.

**— 2011 йилнинг ўтган даврида қандай натижаларга эришилди?**

— Жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам натижалар салмоғини оширишга муваффақ бўлдик. Хусусан, савдоларда қарийб 2390 дан ортиқ мулклар 123234,307 млн. сўмга сотилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сон жиҳатидан 107,1 фоиз, қиймат жиҳатидан эса 267,5 фоиз кўп, демакдир.

Шу ўринда биржа фаолиятини ривожлантиришда Президентимиз фармонлари ва қарорлари дастурига амал вазифасини ўтаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида вазирлик томонидан ўтказилган барча танловларда иштирок этиб, мамлакатимизнинг барча ҳудудлари бўйича биржамиз ғолиб деб топилди. Натижада ўтган йилларда суд ижрочилари томонидан савдога чиқарилган автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулкларининг аукцион савдоларини ташкил этиш ҳуқуқини қўлга киритдик. Биргина 2010 йилнинг ўзида 1040 та кўчмас мулк ва автомототранспорт воситалари ҳамда бошқа мол-мулклар биржамиз орқали 12,6 миллиард сўмга сотилди.

Шунингдек, биржамизнинг устав фонди доимий равишда ошириб борилиши унинг молиявий жиҳатдан барқарор корхоналар сафига киришига ҳамда мавқеини мустаҳкамлашга замин яратди. Хусусан, Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиёт реал сектори молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида акциядорларимизнинг 2009 йил 26 июндаги умумий йиғилиши қарорига асосан жамият устав фонди 605 млн. сўмга етказилди. Биржа Кузатув кенгаши ташаббуси билан акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра ички имкониятларидан келиб чиқиб, устав фонди 605 млн. сўмдан 1001 млн. сўмга етказилди.

**— Ўтган йили Давлат мулки қўмитаси ташаббуси билан биржа қошида "Уй-жой савдо маркази" ташкил этилган эди. Ана шу марказ бугун қай даражада фаолият кўрсатаяпти?**

— Янги марказ орқали кўчмас мулк агентлари, нотариус, банк, суғурта ва баҳоловчи компания хизматларидан фойдаланишнинг бир жойда уйғунлашган мажмуи яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Эндиликда "Уй-жой савдо маркази"га ташриф буюрган юртдошларимиз бир жойнинг ўзида уй-жойлар савдосига оид барча хизматлардан фойдаланишлари мумкин. Бугунги кунга қадар ушбу марказга мингдан ортиқ шахслар мурожаат этиб, ўзларини қизиқтирган барча масалаларга доир хизматлардан фойдаландилар.

Шу билан бирга брокерлик идоралари ва брокерлар билан ишлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Айни пайтда 297 та брокерлик идораси бўлиб, уларда 340 нафар брокер фаолият кўрсатмоқда. Биржа аъзолари ва савдо иштирокчиларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида эса листинг, котировка, ҳакамлик комиссиялари ташкил этилган. Савдоларда тадбиркорлар ва сармоядорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳуқуқий ва сервис хизматлари бепул кўрсатилаяпти.

Шунингдек, биржа тизимида фуқаролар, тадбиркорлар, сармоядор ва кичик бизнес вакилларига янада қулайликлар яратиш мақсадида ҳар куни "Очиқ эшиклар куни" деб эълон қилинди. Шу билан бирга фуқаролар ва тадбиркорлар учун ҳафтанинг дам олиш кунларига ҳам қабул белгиланиши мумкинлиги тўғрисида нуфузли нашрларда эълонлар ҳам чоп этдик.

**— Жорий йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан биржа яна қандай ишларни амалга оширмоқда?**

— 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши ҳам ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлди, албатта. Бунда, энг аввало, эркин рақобатга янада кенг имконият яратиш, турли мулкчилик шаклларидаги бозор субъектлари ўртасидаги иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларни жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ана шундай талаблардан келиб чиқиб, биз тадбиркорларга кенгроқ имкониятлар яратиш учун буюртмалар столи ташкил этдик. Унда харидорлар ўзларини қизиқтираётган объектлар бўйича буюртмалар бериши ва уч кунлик муддатда жавоб олишлари мумкин. Савдоларга қўйилган объектлар билан танишиш истагида бўлганларга эса маслаҳат ва консалтинг хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилди.

Шу ўринда янги қонунлар қабул қилиниши муносабати билан биржа ҳам ўз фаолиятини қонунчилик талабларига изчил мослаштириб бораётганини айтиш мумкин. Масалан, "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги қонун кучга кириши билан кўчмас мулк бозорида катта ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда. Бунда, албатта, биржанинг кўп йиллик тажрибаси фойда бериши шубҳасиз. Айни пайтда биржа тизимида риэлторлик фаолиятини амалга ошириш вазифалари белгилаб олинди. Хусусан, аҳолига риэлторлик хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш, унда замонавий ва марказлаштирилган савдо тизимидан фойдаланиш, шаффофлик ва тенг ҳуқуқлилик шароитини яратиш, уй-жой савдоси маданиятини ошириш, савдода иштирок этаётганларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш шулар жумласидандир.

Бир сўз билан айтганда, "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги қонун кучга кириши билан кўчмас мулк бўйича кўрсатиладиган хизматлар махсус лицензияга эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади. Бу соҳада фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини янада ишончлироқ ҳимоя қилиниши таъминланади. Умуман биржа ўзининг кейинги фаолиятини риэлторлик ташкилоти сифатида давом эттириш орқали савдоларни ташкил этишни янги босқичга кўтариш, янги иш ўринларини яратиш ва ёш мутахассисларни иш билан таъминлашни кўзда тутаяпти. Бу эса мамлакатимизда мулк ўзининг ҳақиқий эгасини топиб, юртимизда мулкдорлар синфи йилдан-йилга кенгайиб бораётганини кўрсатади. Биз эса бу имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз.




### O`zLiDeP ДАСТУРИДАН

**ПАРТИЯНИНГ ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ СОҲАСИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАСИ — ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИК ЕТАКЧИ ЎРИН ТУТГАН КЎП ҚИРРАЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДИР. ПАРТИЯ ДАВЛАТДА ЙИРИК МУЛКДОРЛАР ҚАТЛАМИНИНГ МАВЖУДЛИГИ ЖАМИЯТДА БАРҚАРОРЛИК ВА ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ.**

## ТАДБИРКОРЛИК ПРОКУРАТУРА ҲИМОЯСИДА

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, соҳани янада ривожлантиришга давлат даражасида эътибор қаратилаётганини Самарқанд вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин.

2011 йилнинг 1 март ҳолатига кўра, вилоят ҳудудида 40962 та хўжалик юритувчи субъект фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 181 таси қўшма корхона, 7723 таси фермер хўжалиги, 14953 таси эса кичик бизнес субъектларидир.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва уни юритишда бюрократик тўсиқлар, сансоларлик ҳолатларига йўл қўйилмаслиги вилоят прокуратураси томонидан ҳам қатъий назорат қилинмоқда.

2010 йилда ўтказилган текширишлар давомида бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, айбдорларга нисбатан 120 дан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилгани, 26 нафар мансабдор шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилиб, 4 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилгани ҳам ана шундай назорат натижасидир.

Лозим бўлганда прокуратура идораларининг аралашуви билан тадбиркорлик субъектлари манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш чоралари ҳам кўрилмоқда. Хусусан, ўзаро шартномага мувофиқ Самарқанд шаҳридаги "Бинокор Шуҳрат" масъулияти чекланган жамияти "Самарқанд Рудакий" шўъба корхонасига тегишли 148 млн. 452 минг сўм миқдордаги қурилиш-монтаж ишларини бажарган бўлса-да, корхона 68 млн. 452 минг сўм миқдордаги муддати ўтган қарзни тўлашдан бош тортиб келган. Ушбу қарздорликни ундириш мақсадида вилоят прокуратураси томонидан жамият манфаатини кўзлаб, вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилгач, даъвогарнинг талаби қондирилди.

Тадбиркорлик субъектларига яқиндан ёрдам бериш бевосита хизмат вазифасига кирадиган баъзи амалдорлар, аксинча, ўз мансабларини суиистеъмол қилиб, таъмагирлик ва бошқа жиноятларга қўл ўришаётгани ачинарли ҳол, албатта. Масалан, "Марказгазтаъминот" унитар корхонаси Булунғур туман филиали мутасаддилари тадбиркорлик субъектларидан фойдаланилган табиий газ учун йиғиб олинган 620 минг сўм нақд пулдан 20 минг сўмини банкка топшириб, қолганини ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилишганлари учун жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Тайлоқ тумани "Ғулба" ҚФЙ, "Яланғоч" қишлоғида яшовчи фуқаро Ҳ.Мусаев тегишли ер майдонини ўзбошимчалик билан ноқонуний равишда эгаллаб олгани учун туман суди томонидан жарима жазоси қўлланилган бўлса-да, айбдор бундан тегишли хулоса чиқармаган. Акс ҳолда, ушбу ҳудудда жойлашган "Муҳиддин-Нуриддинхон" фермер хўжалигига қарашли 0,13 гектар ер участкасини ҳеч бир ҳужжатларсиз эгаллаб олмаган бўларди. Прокуратура томонидан Ҳ.Мусаевга ўзига тегишли бўлмаган ҳудудда қишлоқ хўжалик экинлари экканий учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229-1-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, суд қарори асосида у тегишли жавобгарликка тортилган ва ноқонуний эгалланган ер майдони фермер хўжалигига қайтарилган.

Шунга ўхшаш қонунбузилиш ҳолатлари фуқаролар С.Қаландаров, А.Қутлиев, Р.Қаландаров, Д.Қутлиевнинг ҳаракатида ҳам кузатилиб, ер майдонларини ноқонуний эгалланганликлари учун уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Бугунги кунда тадбиркорнинг пешона тери орқали топган даромадига шерик бўлишдан тап тортмайдиганлар ҳам аниқланмоқдаки, прокуратура ходимлари томонидан бундай ҳолатларга ҳам жиддий муносабат билдирилмоқда.

«Хилол саховат мадад» МЧЖ мутасаддилари ўзганинг мулкини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида "Голд терминал сервис" МЧЖ раҳбарларининг имзоларини сохталаштириб, жамиятга тегишли 14,200 кг. миқдоридаги маргарин маҳсулотини ноқонуний равишда қўлга киритгани аниқлангач, ушбу ҳолат юзасидан ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, айбдорлар одил суд ҳукмига ҳавола этилди.

Текширишлар давомида ўз хизмат вазифаларидан фойдаланиб, манфаатдор шахслар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашиш, улар манфаатларига зарар етказиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Каттақўрғон туманидаги "Ҳамраев Ҳамидулло МДС" фермер хўжалигининг солиқ тўловларидан қарздорлиги биринчи инкасса топшириқномасига асосан тўлиқ қопланган бўлса-да, туман давлат солиқ инспекцияси шўъба бошлиғи А.Жамолов банкка такроран инкасса топшириқномасини қўйиб, хўжаликнинг қарийб 3 млн. сўм миқдордаги маблағини асоссиз ундириб олган. Ушбу ҳолат бўйича туман прокуратураси А.Жамоловга нисбатан МЖтКнинг 241-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиб, ноқонуний ундирилган маблағнинг фермерга қайтарилишини таъминлаб берди.

Афсуски, бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Пайариқ тумани ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси бошлиғи Р.Ядгаров ва бошқалар 2009 йилнинг 15 сентябридан 2010 йил 28 декабрига қадар 1001 та хўжалик юритувчи субъектни давлат рўйхатидан ўтказиш учун келиб тушган 7 млн. 100 минг сўм миқдоридаги пулни ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилишган. Юқоридаги ҳолат юзасидан ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми «а», «г» бандлари ва 205-моддаси 2-қисми «а», «в» бандлари билан жиноят иши қўзғатилиб, иш суд муҳокамасига тақдим этилди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Бош прокуратураси матбуот**
**хизмати**

## 3 тонна атиргулдан 1 кило мой



Зангиоталик фермер атиргулдан эфир мойи ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Anons.uz сайтидан хабар қилинишича, бундан 15 йил муқаддам Испаниянинг Тарифа шаҳридан «Дамашқ» номли атиргул навининг иккита қаламчасини олиб келиб, кўпайтира бошлаган Фурқат Мелиқуловнинг айни пайтда 18 гектарлик ерида етиштирилаётган гул тупларининг сони 2 млн. тага етди.

— Бугунги кунда Ўзбекистон атиргул мойини етиштириш бўйича Туркия, Болгария ва Саудия Арабистонидан кейин тўртинчи ўринни эгаллаб турибди, — дейди назарбеклик тадбиркор. — Юқори сифатли маҳсулот олиш мақсадида гул баргларини қўлда ва фақат саҳар тонг вақтида йиғамиз. Ўтган йили 2 кг. ҳосил олган бўлсак, бу йил ушбу кўрсаткични икки ҳисса кўпайтиришни режалаштирганмиз. Дастлабки экспорт шартномасини Буюк Британиянинг «The Body Shop» компанияси билан имзолаган бўлсак, кейинчалик Россия бозорида ном қозонган «Красная линия», «Новая Заря» каби брендлар билан ҳамкорлик ўрнатдик. Шу кунларда эса Франциянинг «Christian Dior» компанияси билан музокаралар олиб бораяпмиз.

Фермернинг таъкидлашича, 1 кг. атиргул мойи олиш учун тахминан 3 тонна япроқни қайта ишлаш зарур. Шу боисдан ҳам айни кунда дунёдаги энг ноёб эфир мойи сифатида эътироф этилаётган мазкур маҳсулотнинг 1 грамми 80 АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда.

KAPITALBANK

# Ўзаро ишончдан — манфаатли ҳамкорликка

## 2010 ЙИЛДА «КАПИТАЛБАНК» ТОМОНИДАН АЖРАТИЛГАН 46 МЛРД. СЎМ МИКДОРИДАГИ КРЕДИТЛАР ҲИСОБИГА АСОСАН САНОАТ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ОИД ЮЗЛАБ ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ

**Т.НОСИРОВ,**
«XXI ASR»

Кейинги йилларда ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ислоҳотлар чуқурлашиб, тараққиёт сари залворли қадамлар ташланаётганига барчамиз гувоҳ бўлаяпмиз. Бу, шубҳасиз, мамлакатимизда узоқни кўзлаб амалга оширилаётган пул-кредит сиёсати билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро, ҳозирги кучли рақобат шароитида молия бозоридан муносиб ўрин эгаллаш учун тинимсиз меҳнат, доимий изланиш талаб этилмоқда.

«Капиталбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банки жамоаси ушбу тамойилдан келиб чиқиб, ўз фаолиятига янгича талаб ва мезонлар асосида ёндашишга интилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Банкнинг ташкил этилганига эндигина ўн йил бўлди. Ўтган ана шу қисқа давр мобайнида тариф сиёсатини оптималлаштириш, диверсификациялашган тизимли мижозлар базасини шакллантириш, хизмат маданиятини ошириш бўйича юқори натижаларга эришилганлиги эътиборга моликдир. Энг муҳими, банк ўз молиявий ҳамкорларига янгидан-янги хизмат турларини таклиф этиб, уларнинг талаб-эҳтиёжлари даражасида иш юритишга ҳаракат қилмоқда. Бу эса икки томонлама ишончни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаяпти.

Таъкидлаш жоизки, банкнинг барча ҳудудий тармоқлари энг сўнгги русумдаги ахборот технологиялари билан жиҳозланган. Мижозлар таклиф этилаётган хизмат турларидан шу ернинг ўзида эмин-эркин фойдаланиш имкониятига эгадирлар. Давр эҳтиёжларидан келиб чиқиб, банкнинг фаолият доираси кенгайтирилмоқда. Бугунги кунда республикамизнинг деярли барча минтақаларида унинг офислари ишлаб турибди. Чакана хизматлар ёки корпоратив мижозларни молиявий қўллаб-қувватлаш соҳасида бўладими, барча турдаги кредит операциялари ўз муддатида амалга оширилмоқда.

Иқтисодиётнинг реал секторига хизмат кўрсатиш «Капиталбанк» фаолиятини белгиловчи асосий мезонлардан биридир. Буни 2010 йил натижалари ҳам тасдиқлаб турибди. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 46 млрд. сўмдан зиёдроқ кредит маблағлари ажратилган. Шундан 18,8 млрд. сўми саноат ва ишлаб чиқариш, 13,9 млрд. сўми савдо-воситачилик, 5,3 млрд. сўми маиший хизмат кўрсатиш ва 8 млрд. сўмдан ортиқроғи бошқа соҳаларга тўғри келади. Энг муҳими, истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш ҳисобига 258 та янги иш ўринлари яратилди.

2011 йил — мамлакатимизда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили», деб эълон қилинган. Шу муносабат билан банк жамоаси иқтисодиётнинг реал секторига бўлган эътиборни янада оширмоқда. Яъни корхона-ташкилотларнинг экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳаларини ўз вақтида молиялаштириш учун барча чоралар кўрилаяпти.

Банкнинг мижозлар билан яқин ҳамкорлиги ҳақида сўз кетганда «TTEMZ» масъулияти чекланган жамиятини мисол қилиб келтириш ўринлидир. Ушбу корхона асосан металлни қайта ишлаш билан шуғулланади. Замонавий техника ва технологиялар жамоа аъзоларининг мушкулини осон қилмоқда. Бу ерда тайёрланаётган кўтарма ва автомобиль кранлари, оригинал металл конструкциялар, автоцистерна, йўл қурилиши учун мўлжалланган ёқилғи қуйиш машиналари ва ҳоказолар ўзининг юқори сифати билан ажралиб туради. «TTEMZ» МЧЖ қатор йиллардан бери маҳаллийлаштириш дастурида фаол иштирок этиб, ўз маҳсулотлари билан нафақат ички, балки ташқи бозорни ҳам бирдек таъминлаб келмоқда. Банк томонидан ўз вақтида молиявий қўллаб-қувватланганлиги туфайли ушбу корхона айланма маблағларини кўпайтириш ҳамда ишлаб чиқариш технологияларини янгилаш имкониятига эга бўлди. Энг муҳими, иқтисодий ҳамкорликдан ҳар икки томон тўла манфаатдор.

«Капиталбанк» ОАТБ турли ассоциация, биржа ва клиринг марказларининг аъзоси сифатида халқаро форумлар, миллий кўргазмаларда фаол қатнашиб келмоқда. Бу эса хизмат сифати ва маданиятини ошириш, соҳага оид инновацион янгиликларни амалиётга жорий қилиш, мижозлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишда муҳим аҳамият каб этаётир. Тармоқ ходимларининг билим ва маҳоратини оширишга кўмаклашувчи мақсадли дастурлар ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Зеро, замонавий молия бозори пухта касбий билим ҳамда фаол ҳаракатни талаб этади.

Таъкидлаш жоизки, банк жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредит миқдорини минтақалардаги экспансия ҳисобига янада оширишни режалаштирган. Бунда, энг аввало, таклиф этилган лойиҳанинг ҳаётийлиги, даромадлилиги ва ликвидлилиги, кредиторнинг молиявий аҳволи ҳисобга олинади. Айни кунда чакана хизмат турларини кўпайтириш юзасидан жиддий изланишлар олиб борилмоқда. Мижозлар банкнинг корпоратив сайти орқали ўзлари учун керакли бўлган маълумотларни олиш имкониятига эгадирлар. Бу эса улар учун катта қулайлик туғдираётганлиги шакшубҳасиз.

# Қора шарпалар

**XXI АСРДА ЯНГИ ШАКЛ ВА ҚИЁФА КАСБ ЭТАЁТГАН ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ ИНСОНИЯТГА ТАҲДИД СОЛИБ, ДУНЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ВА ДАВЛАТЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯНИНГ АШАДДИЙ ДУШМАНИГА АЙЛАНИБ БОРАЁТГАНИ УЧУН ҲАМ УНГА ҚАРШИ КУРАШ ДУНЁ ХАЛҚЛАРИНИ БИРГАЛИКДА ҲАРАКАТ ҚИЛИШГА УНДАЙ БОШЛАДИ**

Файзулло
АБДУЛБОҚИЕВ



На миллати, на дини бўлган мазкур тажовуздан ўзини ҳоли ҳис қилаётган бирорта қитъа ёки давлатнинг ўзи йўқлиги, у ер юзига худди вабодек тарқалиб, кўплаб мамлакатларга бало-қазодек ёпирилиб бораётгани масаланинг нечоғлик мураккаб эканидан далолат бермоқда. “Ал Қоида“, “Абу Сайёф”, “Мухожирун”, “Аум синрикё”, “ЭТА” каби экстремистик гуруҳларнинг тажовузкорона ҳаракатлари ҳам бунга мисол бўлиши мумкин. Жаҳон матбуотида ёзилишича, АҚШнинг ўзида 800 дан ортиқ экстремистик ташкилот фаолият юритаётган бўлса, “Ал Қоида”нинг махсус тайёрланган ўлимга тайёр гуруҳлари юзга яқин давлатда одамларни қўрқув ва ваҳимага солиб келаяпти. Инсоният 2001 йил 11 сентябрда Нью-Йоркда, кейинчалик Москвадаги Норд-Ост киноконцерт залида рўй берган фожиали воқеаларни, Испанияда йўловчи поездининг портлатилишини ҳали-ҳануз оғриқ билан эсламоқда. 2004 йил 11 мартда Мадридда, ўша йил 1 сентябрда Бесланда, 2005 йил 7 июлда Лондонда содир этилган террористик ҳужумлар туфайли эса кўплаб бегуноҳ одамлар ҳаётдан кўз юмдилар. Унчалик тўлиқ бўлмаган ана шу мисолларнинг ўзиёқ барчамизни бирдек ҳушёрликка чорламоғи шарт.

Жорий йилнинг 11 апрель куни эса Беларусь пойтахти Минск шаҳридаги «Октябрский» метросида юз берган ва 13 кишининг ёстиғини қуритган террорчилик ҳаракати, 24 январь куни Россиянинг Домодедово аэропортида рўй берган ва 35 нафар тинч аҳоли ўлимига сабаб бўлган портлаш яна бир бор инсониятни ҳушёрроқ бўлишга, аср балосига қарши курашда бирдамликни кучайтиришга даъват этди.

БМТ маълумотларига кўра, 2010 йилда рўй берган кўпорувчиликлар сони 2009 йилга қараганда 25 фоиз ўсган. Ҳалок бўлганлар сони эса 40 фоиз кўпайган. Ушбу вахшийликларнинг асосий қисми Ироқ, Афғонистон, Покистон, Яман, Россия, Яқин Шарқ ва Африка мамлакатларида содир этилган. Умуман олганда, дунё бўйлаб амалга оширилаётган террорчилик ҳаракатлари оқибатида ҳар йили 20 минг нафардан зиёд киши қурбон бўлаяпти.

Экспертларнинг фикрича, кейинги пайтларда террорчилар томонидан уюштирилаётган ҳаракатлар тактикаси ҳам ўзгариб бораётир. Маълум бўлишича, улар эндиликда руҳий таъсири юқори бўлган усулдан кўпроқ фойдаланмоқдалар. Одамларни тез-тез гаровга олишаётгани бунга мисол бўлиши мумкин. Таҳлилчилар бундай ҳолатларнинг 300 фоиз ўсганини таъкидлашаяпти.

Шу ўринда Ироқ ва Афғонистонда террорчилик хуруҗлари сони ошиб бораётганлиги кўпчиликда ташвиш уйғотаётганини алоҳида таъкидлаш мумкин. Чунки, Ироқда ҳукм сураётган ишсизлик, иқтисодиётни қайта тиклашга етарли эътибор қаратилмагани, ижтимоий ҳимоянинг ночор аҳволга тушиб қолгани Бағдод ва унинг атрофида анархияни юзага келтирмоқда. Афғонистон ҳақида ҳам худди шундай фикр билдириш мумкин. Мамлакатдаги халқаро тинчликни сақловчи кучларнинг маҳаллий аҳоли урф-одатлари ва анъаналарини яхши тушунмаслиги, инфратузилмаларни тиклашга етарли эътибор қаратилмаётгани, иш ўринларининг йўқлиги ночор аҳволда қолган ёшларнинг жангарилар сафига қўшилишига ҳам сабаб бўлаяпти. Натижада бугун “Толибон” ҳаракатининг Афғонистонда кенг қулоч ёяётгани ва НАТО кучларига қарши янги-янги ҳужумларни ташкил этишга тайёргарлик кўраётгани хусусидаги хабарлар пайдо бўлмоқда. Донор мамлакатлар томонидан Афғонистон қишлоқ хўжалигига ажратилиши кўзда тутилган маблағларнинг фақат баёнотлардагина қолиб кетаётгани эса “заҳарли оғу” майдонларининг кенгайишига олиб келаяпти. Оқибатда Афғонистонда террорчиларни озиқлантираётган манбалардан бири — қорадори рекорд даражада етиштирилаётгани БМТ ҳисоботларида ҳам алоҳида тилга олинаяпти. Президентимиз Ислом Каримов томонидан халқаро терроризм ва экстремизмнинг тинч аҳоли ҳамда давлатларга талафот келтираётган ёвуз хатти-ҳаракатлар бир занжирга боғланганини, улар ортида катта маблағ, кучга эга бўлган, маълум марказдан бошқариладиган экстремистик ташкилотлар борлиги очиқ-ойдин кўриниб турганини, уларнинг ўзаро уйғунлашиб, чуқур илдиз отгани таъкидланиб “...агар диний экстремизм ва ақидапарастлик шиорлари халқаро терроризмнинг ғоявий ниқоби бўлса, наркобизнес ва наркотрафик, ҳеч шубҳасиз, халқаро терроризмнинг молиявий таянчи” эканига алоҳида эътибор қаратилган эди. Таъкидлаш жоизки: бундай қабиҳ ниятли кучлар ҳамда марказлар жуда пухта ўйланган, узоқни кўзлаган дастур ва режага, энг замонавий восита ва имкониятларга эгадир. Бундан эса, хавф-хатар ва таҳдидлар бошқа жойларга тарқалмайди, у шу ерда пайдо бўлдими, айнан шу ҳудудда барҳам топади, бунинг олдини олиш, чегаралаш мумкин, деган мулоҳазалар мутлақо асоссиз, деган хулоса чиқариш мумкин.

Халқаро терроризм доирасининг кенгайиб, цивилизацияга қарши доимий “қора булут”га айланиб бораётгани кўплаб давлатларнинг, жаҳондаги соғлом сиёсий кучларнинг бу офатга ўз вақтида эътибор бермагани ва унга қарши зарур чора-тадбирлар кўрмагани билан ҳам изоҳланади. Кишини ажаблантирадиган жойи шундаки, террорчиларнинг лагерлари бу офатга “юмшоқ” муносабат билан қарайдиган ёки ўзини ўта либерал деб ҳисоблайдиган давлатлар ҳудудида ҳам бемалол фаолият юритмоқда. Уларнинг айрим ривожланган давлатлардан ёрдам олиб келаётгани эса хавфсизлик ва барқарорликка нисбатан янги таҳдидларнинг моҳияти, восита ва услублари ҳам тубдан ўзгараётганини кўрсатаяпти.

Шу ўринда терроризм балосининг кучайишига террористик кучларга нисбатан турлича муносабатлар ҳам сабаб бўлаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Хусусан, қатор мамлакатларда террорчи ҳисобланган кучлар бошқалар учун исёнчи ёки эркинлик учун курашувчи сифатида намоён бўлаётгани «қора шарпалар» ҳали ҳануз қора ниятларидан воз кечмаётганликларини кўрсатиб турибди. Айрим давлатларнинг эса бундай ёндашувларни ўз сиёсатида акс эттириши ҳалигача қўш стандартлар мавжудлигини исботламоқда. Шунинг учун ҳам хоҳ терроризм, хоҳ наркоагрессия бўлсин, буларнинг барчасини ўзаро ҳамкорлик орқалигина енгиш мумкин. Чунки хавфсизликни таъминлашнинг ҳарбий йўли энди эскирди, тарихда қолиб кетди.

Бу эса террорчиликка қарши кураш масаласи бир давлатнинг иши эмас, деган ташаббус бежиз илгари сурилмаганини ҳам англатади. Зеро, бугун инсоният глобал қарама-қаршиликлар ва бир ҳовуч кучли давлатларнинг дунёни қайта тақсимлашга қаратилган геосиёсий ўйинлари авжга чиққан, бу йўлда зулм ва истибдоднинг ҳар қандай шаклларидан фойдаланиш айб саналмайдиган таҳликали замонда яшаяпти. Онгли кишилар бундай шароитда ҳушёрликни ҳар қачонгидан ошириб, дўст киму душман кимлигини ажрата олишлари ниҳоятда муҳимдир.

## ВОҚЕАЛАР, ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР

### «Time» Мессининг обрўсини янада кўтарди



Американинг «Time» журнали 2011 йилнинг энг обрўли кишилари рўйхатини эълон қилди. Унда АҚШ президенти Барак Обамадан тортиб “Катта дубулға” туркумига кирувчи сўнгги икки мусобақада ғалаба қозонган бельгиялик теннисчи Ким Клейстерс, 2010 йилнинг энг яхши футболчиси — аргентиналик Лионель Месси ҳам бор. Нашр тарихидаги саккизинчи рўйхатдан, шунингдек, 2010 йилда «Оскар» мукофоти лауреати, “Қирол нутқи” фильмида бош ролни ижро этган британиялик актёр Колин Ферт ҳам ўрин олган.

### «Шнапс» немисларни ўз домига тортмоқда



Хабарларга кўра, Германияда 18 ёшдан 64 ёшгача бўлган ҳар бешинчи одам ҳаддан зиёд алкоголли ичимлик қабул қилишдан заҳарланмоқда. Немис наркология ва алкоголизм илмий-текшириш маркази раҳбари Рафаэль Гасманнинг таъкидлашича, агар ушбу иллатга қарши кескин чоралар кўрилмаса, вазият жиддий тус олиши мумкин. Мамлакатда спиртли ичимликлар савдоси анча қисқарганига қарамай, алкоголь таъсирида касалланганлар сони камаймаяпти. Марказ тақдим этган маълумотга кўра, заҳарланиш асосан 20-25 ёшлилар орасида кўпайиб бормоқда. Мазкур иллат туфайли ҳаётдан кўз юмаётганларнинг катта қисми 35-65 ёшлилардир. Умуман олганда ҳар йили мамлакатда 73 минг одам айнан алкоголь қурбони бўлаётир.

### «Шенген» келишувини мигрантлар бузди



Франция президенти Николя Саркози ва Италия бош вазири Сильвио Берлускони 1985 йилнинг 14 июнида Европанинг беш давлати томонидан имзоланган Шенген келишувининг айрим бандларига ўзгартиш киритиш таклифи билан чиқишди. Италия ҳукумати раҳбарининг маълум қилишича, масала катта оқимдаги мигрантлар муаммоси билан боғлиқдир. Ушбу таклиф қабул қилинса, шартномага аъзо мамлакатлар чегара хизматида янгича назорат тартиби йўлга қўйилади. Айни пайтда эса Шенген ҳудудидаги чегараларда фақаттина катта спорт мусобақалари пайтидагина алоҳида назорат ўрнатилар эди.

Жорий йилнинг апрель ойида Франция Африкадан кириб келаётган мигрантлар туфайли Италия билан чегараларни деярли ёпиб қўйганди. 10 минг нафардан ортиқ қочоқларга вақтинчалик бошпана берган расмий Рим Франциянинг хатти-ҳаракатларини «Шенген» қоидаларини бузиш дея баҳолаган бўлса, ЕИ Франция ҳукумати шартнома доирасида ҳаракат қилганини билдирган.

*Акбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.*

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

«ANDIJON MUKAMMAL SAVDO ELIT» МЧЖ

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Андижон вилоят ҳудудий бошқармасининг **2011** йил **18** апрелдаги **15**-сонли буйруғига асосан Марҳамат тумани марказидаги «Туркистон» кўчасида жойлашган «Марҳамат туман машина-трактор парки» очиқ акциядорлик жамияти балансидаги ижтимоий инфратузилма объекти бўлган, **1972** йилда қурилган «Ўқув ишлаб чиқариш биноси» **60 913 307** (Олтмиш миллион тўққиз юз ўн уч минг уч юз етти) сўм бошланғич баҳода сотувга қўйилди.
Аукцион савдоси **2011** йилнинг **21** май куни соат **11. 00** да, аукцион савдоси бўлиб ўтмади, деб эътироф этилган тақдирда эса такрорий аукцион савдоси **2011** йил **24**,**26**,**28** май кунлари соат **11.00** да Андижон шаҳар Алишер Навоий шоҳ кўчасидаги **30**-уй, **219**-хонада бўлиб ўтади.
Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг **15** фоизи миқдоридан кам бўлмаган гаров пулини ТИФ «Миллий банк» Андижон шаҳар бўлимининг **20208000204815231001** ҳисоб рақамига МФО: **00074**, ИНН: **301576374** тўлашлари керак. Савдода иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш эълон чоп этилган кундан бошлаб ҳар куни ва аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин соат **17.00** да тўхтатилади.
Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик мақомига эга хўжалик юритувчи суъбектлар эса корхона Низоми ва таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса белгиланган тартибда ишончнома тақдим қилиши лозим.

*Қўшимча маълумотлар учун манзилимиз: Алишер Навоий шоҳ кўчаси 30-уй, 219-хона. Телефон: 8(374)606-88-81, 700-88-81. Гувоҳнома рақами N00328*

AGRO DEPO INVEST

**Дочернее хозяйственное общество Компания «AGRO DEPO INVEST»**

ДОЧЕРНЕЕ ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ОБЩЕСТВО ОАКБ «АГРОБАНК»А КОМПАНИЯ «AGRO DEPO INVEST» НА РЫНКЕ ЦЕННЫХ БУМАГ УЖЕ БОЛЕЕ 14 ЛЕТ ОКАЗЫВАЕТ ПОЛНЫЙ СПЕКТР УСЛУГ: ДЕПОЗИТАРИЯ, ДОВЕРИТЕЛЬНОГО УПРАВЛЕНИЯ ИНВЕСТИЦИОННЫМИ АКТИВАМИ, БРОКЕРСКИЕ УСЛУГИ, УСЛУГИ ИНВЕСТИЦИОННОГО КОНСУЛЬТАНТА КАК РЕГИСТРАЦИЯ ПРОСПЕКТА ЭМИССИИ И СДАЧА ЕЖЕКВАРТАЛЬНЫХ, ГОДОВЫХ ЦБ ОТЧЁТОВ.

**КОМПАНИЯ «AGRO DEPO INVEST» МОЖЕТ ПРЕДЛОЖИТЬ СВОИМ КЛИЕНТАМ:**

- Высокий стандарт обслуживания и оперативность исполнения условий договоров и поручений;
- Индивидуальный подход к каждому клиенту, внимание и поддержку;
- Конфиденциальность информации по клиентам и их счетах;
- Налаженные и постоянно развивающиеся связи с другими участниками РЦБ;
- Консультации по вопросам работы на рынке ценных бумаг;
- Регулярную информационную поддержку;
- Уникальные операционные технологии, позволяющие создавать разнообразную отчетность, легко адаптируемую под индивидуальные потребности клиентов а также требованиям законодательства РУз;
- Получение любых форм отчетности и информации, связанной с проведением операций;
- Проверку правильности заполнения документов и соответствия их действующему законодательству.

В настоящее время в штате компании работают специалисты, которые имеют многолетний практический опыт на рынке ценных бумаг. Имея не большой, но очень дружный коллектив, мы тесно сотрудничаем со всеми нашими клиентами, оказывая полный перечень услуг согласно заключенных договоров.

Согласно биржевому рейтингу РФБ «Тошкент» наша брокерская контора № 440 занимает лидирующее 1 место в рейтинге брокерских контор Республики Узбекистан по объему и количеству сделок. Ссылка официальный сайт Республиканской фондовой биржи «ТОШКЕНТ»
**http://www.rse.uz/new/brokers/brokers.asp**

*Мы будем рады сотрудничать с Вами!*

100096, г.Ташкент, ул.Мукимий д.43, тел: 8 (371) 150-53-85, 8 (371) 236-11-24 e-mail: agrodepoinvest@mail.ru

## Ўттиз еттинчиси топилди

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ КАСБИ ТУМАНИДАГИ МИР ҲАЙДАР СУЛТОН ҚАЛЪА ШАҲРИСТОНИ ҲУДУДИДАН XIV-XVI АСРЛАРГА ОИД ЁПИҚ САРДОБА ТОПИЛДИ**

**Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ,**
«XXI ASR»



Мутахассисларнинг таъкидлашларича, карвон йўллари ёқасида қурилган ушбу қадимий иншоот сувни тўплаш ва узоқ муддатгача сақлаш вазифасини бажарган. Буюк Ипак йўлининг асосий қисми юртимиз ҳудудидан ўтганлиги боис, меъморларимиз томонидан кўплаб ана шундай сардобалар бунёд этилган. Ўзбекистон ҳудудида шу кунгача сақланиб қолган 36 та сардобанинг 29 таси Қашқадарё вилоятида жойлашгани эса воҳанинг азалдан маданият ва савдо марказларидан бири бўлганлигини ҳам кўрсатади.

— Сардобалар йил давомида тоза сув сақланадиган усти ёпиқ ҳовуз шаклидаги тарихий обида бўлиб, карвон йўллари бўйлаб 20-40 чақирим масофа оралиғида қурилган, — дейди вилоят «Олтин мерос» жамғармаси раиси Шарофат Ашурова. — Қашқадарёда ушбу сув иншоотининг очиқ, ярим очиқ ва ёпиқ ҳолдагилари учрайди. Топилган ушбу тарихий обида эса ёпиқ турдаги сардоба бўлиб, асосан ҳарбий истеҳком қалъалар ҳудудида қурилган. Унинг суви доим захирада сақланган. Агар қалъага душманлар ҳужум қилиб, очиқ сардобаларга шикаст етказсалар, аҳоли ана шу иншоот сувидан фойдаланган. Шу боис ҳам бундай сардобалар кўзга ташланмайдиган чуқур жойларда қурилган. Сув эса махсус сопол қувурлар орқали сардобага йиғилиб, уни фақат юқори қисмидаги тешик орқалигина тортиб олиш мумкин бўлган.

## *Папайя мўъжизаси*

**УШБУ ЎСИМЛИКНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛГАНЛАРДА УМУРТҚА ВА БОШҚА СУЯК БЎҒИНЛАРИДА ТУЗ ЙИҒИЛМАСЛИГИ МАЪЛУМ БЎЛДИ**

**Мусурмон РЎЗИЕВ,**
«XXI ASR»

Жанубий Америка ва Африка мамлакатларида етиштириладиган Carica Papaya (қовун дарахти) меваси айни пайтда Ўзбекистоннинг жанубий вилояти Сурхондарёда ҳам ўстирилмоқда. Бу ерда папайя ўз ватанидаги каби сермаҳсул бўлмаса-да, аммо аста-секин маҳаллий иқлимга мослаштирилаяпти.

Тошкент тиббиёт академиясида 25 йил мобайнида талабаларга нейрожарроҳлик илмидан сабоқ берган Қодиржон Имомназаров мазкур мўъжиза дарахт мевасининг шифобахш жиҳатларини ўрганиб чиқиб, ундан минглаб беморлар дардига малҳам тайёрлашга биринчилардан бўлиб қўл урди. 40 йиллик иш тажрибасига эга олий тоифали шифокор, папайянинг фойдали хусусиятлари тўғрисида қуйидаги фикрларни билдирди:

— Менга ушбу мева мўъжизаси ҳақида қадрдон дўстим, кўп йиллар Африкада нейрожарроҳ бўлиб ишлаган Маҳмуджон Зоидов сўзлаб берган эди. Иккимиз ҳам тиббиётнинг айнан шу йўналишида фаолият олиб борганимиз боис суҳбатимиз ҳам асосан шу ҳақда бўларди.

— 18 йил давомида умуртқа остеохондрози ва умуртқалараро диск чурраси бўйича жуда кам жарроҳлик амалиётлари ўтказдим. Бунга сабаб ушбу минтақада ўсувчи Папайя дарахти мевасини одамлар жуда кўп истеъмол қилар экан. Таркиби турли табиий микроэлементлар ва ферментларга бой бўлган ушбу мевани мунтазам танаввул қилган кишиларда овқат тез ҳазм бўлиши, ички аъзо ва тўқималарда, айниқса умуртқа ҳамда бошқа суяк бўғинларида туз йиғилмаслиги кузатилди.



Дўстимнинг ҳикоясидан сўнг папайядан дунё тиббиётида қай даражада фойдаланилаётганини ўрганиб чиқдим. Маълум бўлишича, унинг таркибида кўп миқдорда А, В, С, Д, Е витаминлари, альбумин ва темир моддаси бўлиб, у организмдаги қон миқдори, жигар ва ошқозон фаолиятини бир меъёрда сақлаб турар экан. Шунинг учун ҳам ундан тайёрланган препаратлардан ошқозон ва ичак йўли хасталикларини даволашда кенг фойдаланиш мумкин.

Буюк Британия олимларининг «Гурман» илмий журналида қайд этилишича, папайя меваси, уруғи ва баргида мавжуд бўлган моддалар ҳатто химиятерапия таъсир қилмаган саратон тўқималарини йўқ қилиш хусусиятига ҳам эга экан. Шуниси диққатга сазоворки, уни соф мева ҳолида ҳам, қуритиб майдаланган ҳолда истеъмол қилинса ҳам таъсир кучи бирдай самара беради. Уни соғлом одамлар мунтазам истеъмол қилиб борсалар, турли касалликларга деярли дучор бўлмайдилар.

Худди шундай маълумотларни Россиянинг «Ўсимликлар химияси» илмий-текшириш институтидан олганимдан сўнг Африка қовунидан шифобахш маҳсулот тайёрлаш фикри туғилди. Тегишли идоралар, ҳамкасб дўстларим билан фикрлашиб, анчайин мураккаб, аммо жуда фойдали ишга қўл урдим.

Бугун мамлакатимиздаги кўплаб дорихоналарда нисбатан арзон нархда сотилаётган «Папайя» табиий воситасининг қанчалик шифобахш эканлигини кўпчилик яхши билмаслиги мумкин. Лекин у айни пайтда тиббиётнинг турли тармоқларида самарали қўлланилмоқда. Жумладан, ундан травмотология ва ортопедия, гинекология, неврология, офтольмология, стоматология, терапия, дистология, дерматология, гемотология ва онкологияда ҳам кенг фойдаланилаяпти.

— Бизнинг хонадонда папайя турли мева шарбатларига қараганда кўпроқ истеъмол қилинади, — дейди Қодиржон ака. — Ҳам табиий, ҳам шифобахш ушбу маҳсулот туфайли оиламизда ҳатто оддий шамоллаш ва бошқа хасталиклар деярли учрамай қўйди.

Мухтасар қилиб айтганда, Африка қовунини истеъмол қилганлар соч тўкилиши-ю, кўз нурининг заифлашишидан тортиб, оғир саратон хасталигигача шифо топишлари, қанд касали, хафақон каби куплаб бедаво дардлардан фориғ бўлишлари мумкин.



## Андижонда болаларга бепул транспорт хизмати кўрсатилаяпти

Андижон шаҳрида аҳолига қулайлик яратиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва экологик ҳолатни янада яхшилаш мақсадида Самарқандда ишлаб чиқарилган 100 та автобус харид қилинди.

Юртбошимизнинг “Андижон вилояти тураржой массивларининг коммунал инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ яратилган бундай қулайликдан шаҳар аҳолиси мамнун бўлаяпти.

— Йўлкира ҳақининг 300 сўм этиб белгиланганi, 10 ёшгача болалар учун эса бепул юриш тартиби ўрнатилгани ижтимоий ҳимоянинг амалдаги мисоли бўлди, — дейди шаҳар йўловчи ташиш транспорти фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Қодиржон Шарипов. — Келгусида жамоат транспортини янада такомиллаштириш, автобуслар сонини кўпайтириш ва қатнов интервалини қисқартиш ҳам кўзда тутилмоқда.

## «Яндекс» таваккал қилмоқчи



«The Wall Street Journal» газетасининг ёзишича, интернетдаги йирик онлайн-қидирув тармоғи — “Яндекс” компанияси шу йилнинг май ойи охирлари ва июнь ойи бошларида АҚШнинг «NASDAQ» фонд биржасида илк марта ўз акцияларини очиқ бозорга чиқаришни режалаштирмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, «Яндекс»нинг акциялари очиқ бозорга чиқарилгач, унинг қиймати 6-9 млрд. АҚШ доллари атрофида баҳоланиши мумкин. Маълумот ўрнида шуни айтиш керакки, ҳозирда Рунетдаги 65 фоиз онлайн-қидирув сўровлари «Яндекс» ҳиссасига тўғри келади. Ўтган йил ноябрь ойида Россиянинг Mail.Ru Group компанияси Лондон фонд биржасида ўз акцияларининг 18 фоизини очиқ бозорга чиқарган ва бунинг натижасида деярли 1 млрд. АҚШ доллари миқдорида маблағ жалб қилишга муваффақ бўлган эди.







XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баходир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шухрат НОРГИТОВ, Шухрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАХРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асхор ИСТАМОВ, Темур АБДУРАХМОНОВ, Тоҳир МИРХОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шухрат ОХУНЖОНОВ. БОШ МУХАРРИР: Миродил АБДУРАХМОНОВ.
МАТН ТЕРУВЧИ: Нигора ЖЎРАЕВА.
БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Кабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 11 январда 009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 1640. Тираж: 16 396
Баҳоси келишилган нархда
Топширилди — 01:00

Навбатчилар:
Қ.САЙДАЛИЕВ, А.МУЗАФФАРОВ.